2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 222 (1283), 2024 йил 1 ноябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ИҚТИСОДИЙ-ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАР ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА КАТТА ЎРИН ТУТАДИГАН ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни Навоий вилоятига ташриф буюрди.



Бу ҳудуд ривожланган индустрияси билан мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин тутади. Иқтисодий ва инвестициявий имкониятлар туфайли сўнгги йилларда янги корхоналар кўпайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Навоий шаҳридаги “Uzbekistan hydrogen peroxide” қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Вилоятдаги корхоналарга водород пероксиди доим зарур. Умуман, юртимиз саноат тармоқларида бу кимёвий бирикмага йиллик талаб ўртача 15 минг тоннадан зиёд. Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган “Uzbekistan hydrogen peroxide” қўшма корхонасида шундай талабгир маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Қиймати қарийб 30 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида завод қурилиб, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Германия, Италия ва Швециядан замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилди. 80 га яқин киши иш билан таъминланди. Корхона йилига 30 минг тонна водород пероксиди ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу бирикмадан кимё, металлургия, электр техникаси, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби ўнга яқин тармоқда фойдаланилади. Жумладан, қоғоз, маиший ва кимёвий воситалар ишлаб чиқариш, уран ва кобальт маҳсулотлари қазиб олишда фаол қўлланилади. Қадоқларни тозаловчи, сунъий ва синтетик толаларни оқартирувчи восита сифатида ишлатилади.

Асосийси, иқтисодий самарадорлик юқори. Бу ерда табиий газ чуқур қайта ишланиб, бозорбоп маҳсулотга айлантирилади. Мисол учун, 60 фоизли водород пероксиди тиббиётда уч баробар, маиший кимё воситаларида икки баробар қўшилган қиймат яратади.

Корхона лабораториясига ҳам энг сўнгги русумдаги жиҳозлар ўрнатилган. Унда ҳар соатда таҳлил ўтказилади. Бу маҳсулот сифатини доимий назорат қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Ҳар бир лойиҳадан мақсад — юқори даромад, қўшилган қиймат. Бу корхона шу жиҳатдан маъқул. Энди ишлаб чиқариш барқарорлиги, харидорлар ишончи учун буни кафолатланган хомашё билан таъминлаш керак. Маҳаллийлаштириш дастури асосида қулай шартларда кредит ажратиш ҳам мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга бу корхона мисолида шундай лойиҳаларни кўпайтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқлар берилди.

Водород пероксиди шу пайтгача Ўзбекистонга катта харажатлар билан фақат чет элдан олиб келинар эди. Энди эса маҳаллий маҳсулот ички эҳтиёжни тўлиқ қоплаб, импорт ўрнини тўлдиради. Шу билан бирга, яқин минтақада бундай корхона йўқ. Шу боис, маҳсулот МДҲ ва Европа мамлакатларига ҳам етказиб берилмоқда. Қисқа вақтда қарийб 1,5 миллион долларлик экспорт қилинган. Корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 10 миллион доллар.

Бу суюқ кимёвий маҳсулотларни сақлаш ва етказиб бериш учун шу ернинг ўзида пластик қуйма идишлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Корхонани муқобил энергия билан таъминлаш мақсадида қуввати 27 киловатт бўлган қуёш панеллари ўрнатилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, илгари мамлакатимиз кимё соҳасида хусусий сектор бўлмаган. Бу корхона сўнгги йилларда соҳага кириб келган тадбиркорлик субъектларидан бири.

Шу ерда корхона фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Хусусан, Туркиянинг “Orbak Metal Industry” компанияси билан гидроген пероксиди ишлаб чиқариш қувватини 45 минг тоннага ошириш, шунингдек, туташ ҳудудда озиқ-овқат саноати лойиҳасини ташкил этиш режалаштирилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Кармана туманида барпо этилаётган кимёвий маҳсулотлар технопаркини бориб кўрди.

Навоий вилоятида кимё саноати ривожланган. Ҳудудда минерал ресурслар кўп, тармоқ инфратузилмаси ва кадрлар салоҳияти яхши. Бундан фойдаланиб, истиқболли корхоналар ташкил этиш учун эса мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ва тадбиркорларга шароит бор.

Шу негизда хитойлик ишбилармонлар томонидан “Zarafshon industrial technology” номи остида кимё технопарки барпо этилмоқда.

Мазкур мажмуа учун 130 гектар ер майдони ажратилган. Бу ерда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ бўлган 18 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Ҳозиргача уларнинг иккитаси — 40 минг тонна олеум, 170 минг тонна сульфат кислотаси олиш лойиҳалари ишга туширилди.

Эътиборлиси, сульфат кислотаси ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқликдан унумли фойдаланиш мақсадида 1,4 мегаватт қувватга эга буғ-газ қурилмали энергоблок қурилган. Бу корхона ўзини ўзи тўлиқ электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Айни пайтда корхона томонидан 330 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ҳамда технологик жараёнда ҳосил бўладиган иссиқликдан 15 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмали энергоблок қуриб битказилган.

Давлатимиз раҳбарига технопаркда амалга ошириладиган янги лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, қиймати 150 миллион долларлик 1 миллион тонна сульфат кислотаси, 120 миллион долларлик 50 минг тонна каустик сода ҳамда 135 миллион долларлик 100 минг тонна фталоцианин (тўқимачилик бўёғи) ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши бошланган.

Технопаркда бошқа тармоқлар билан кооперация алоқалари самарали йўлга қўйилади. Натижада қурилиш саноатида 75 миллион, енгил саноатда 107 миллион, тиббиётда 38 миллион долларлик четдан келадиган маҳсулотлар ўрни қопланади.

Технопаркда маҳаллийлаштириш айни пайтда 31 фоизни ташкил қилади. Лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида бу кўрсаткич икки баробар ортади.

Давлатимиз раҳбари корхоналарда ишлаб чиқариш балансини таъминлаш, “off take” шартномалар қилиб, маҳсулотларни кафолатли сотиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда технопаркда 300 кишининг бандлиги таъминланган. Барча лойиҳалар амалга ошгач, 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилади, антрахинон, каустик сода, мис хлориди, диметилсульфат, натрий сульфид, резорцин каби маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Технопаркнинг йиллик экспорт салоҳиятини 2026 йилда 30 миллионга етказиш ва изчил ошириб бориш режалаштирилган.

Шунингдек, керакли коммуникация тармоқлари ҳам хорижий инвестор маблағлари ҳисобидан қурилмоқда.

Шу ерда 2024-2030 йилларда “Навоийазот” акциядорлик жамияти негизида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимот қилинди.

Унга кўра, 5 миллиард долларлик 22 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Уларда 3 мингдан зиёд янги иш ўрни бўлади. Йилига 2 миллиард доллардан зиёд кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Президентимиз лойиҳаларда экология талабларига алоҳида эътибор қаратиш, заводларни углерод оксидини ҳавога кам чиқарадиган ускуналар билан жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Лойиҳалардан 4 таси келгуси йили фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Давлатимиз раҳбари уларнинг инвесторлари билан мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги саноат зонасида “Universal filter” бренди остидаги маҳаллий маҳсулотларни кўздан кечирди. Бу ерда транспортлар учун ҳаво ва мой фильтрлари, металлургия, нефть-газ ва кимё саноати корхоналари учун буюмлар — жами 600 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўз фаолиятини 2007 йилда қурилиш материаллари тармоғидан бошлаган тадбиркор 2020-2023 йилларда 20 миллион долларлик лойиҳаларни амалга оширган. Бугунги кунда уч гектар майдонда 6 та йўналиш йўлга қўйилган. Корхоналарга Россия, Хитой, Словакия каби давлатлардан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилган.

Тадбиркорнинг айланма маблағи бундан етти-саккиз йил олдин атиги 1 миллиард сўм эди. Эндиликда жорий йил якунига қадар 200 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 250 кишининг доимий бандлиги таъминлангани эса ижтимоий муҳим жиҳат.

Давоми 2-бетда

“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кўпмиллатли аҳил жамоасини Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган ушбу йирик ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилганининг 75 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ўзининг шонли анъаналари билан дунё миқёсида шуҳрат қозонган бу кўп тармоқли комбинат сизлар каби юксак малакали кончи ва мутахассислар, ишчи ва хизматчиларнинг фидокорона меҳнати билан республикамизнинг иқтисодий қудрати ва халқимиз фаровонлигини оширишга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида мавжуд хомашё захираларидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган миллий саноатни ривожлантиришдек устувор вазифани адо этиш мақсадида кейинги йилларда бу ерда кенг миқёсдаги модернизация ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, “Қалмоққир”, “Ангрен”, “Чодак”, “Хонжиза” майдонлари ва янги очилган “Ёшлик — 1” конидаги хомашёни чуқур қайта ишлайдиган 6 та корхона ва 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмалари барпо этилганини қайд этиш лозим.

Ана шундай муҳим ўзгаришлар туфайли комбинат мис ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги ўттизта энг йирик мажмуа қаторидан муносиб ўрин олгани барчамизни албатта мамнун этади.

Бугунги кунда бу ерда йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлайдиган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши якунига етказилмоқда. Яқинда Олмалиқда бўлиб, сизлар билан биргаликда ана шундай қувватга эга бўладиган 4-мис бойитиш фабрикаси қурилишини бошлаганимиз ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу фабрикалар ишга тушиши билан комбинат бўйича йилига 160 миллион тонна хомашёни қайта ишлаш имкони пайдо бўлади. Айтиш керакки, бу — Ўзбекистон саноати тарихидаги мислсиз натижадир.

Саноатнинг драйвер соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудлар салоҳиятини тўлиқ ишга солишга қаратилган жадал ва тизимли ишларимиз туфайли комбинатда Тошкент вилояти аҳолиси учун минглаб янги иш ўринлари яратилиши диққатга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Маълумки, биз табиий бойликларни ўзлаштириш учун йирик инвестицияларни жалб этиш, саноат соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига устувор аҳамият бермоқдамиз.

Шу мақсадда комбинат таркибида ташкил этилган, дунёдаги илғор тажрибалар, жумладан, дуал таълим дастурларига мувофиқ фаолият юритаётган Муҳандислик мактабига биз катта ишонч билан қараймиз. Шунингдек, Олмалиқдаги Тошкент давлат техника университети ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институти филиаллари ҳам бу борада олдимизда турган вазифаларни бажаришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаш лозим. Биз ушбу олийгоҳларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш ишларини давом эттирамиз.

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун комбинат ишчи ва хизматчиларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Келгусида бу йўналишдаги ишларимиз албатта янги босқичга кўтарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрам муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган мажмуанинг бир гуруҳ ишчи-хизматчиларини чин дилдан табриклаб, келгуси ишларида янги муваффақиятлар тилайман.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодиётга эга бўлган Янги Ўзбекистон давлатини барпо этишда Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби етакчи саноат корхоналарининг беқиёс ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашда сизларга янгидан-янги зафарлар тилайман.

Барчамиз учун қадрли, шонли тарих ва ёруғ келажакка эга бўлган комбинат ҳаётидаги бугунги қутлуғ сана билан сизларни яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, меҳнат фаолиятингизда омад ва муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, кон-металлургия саноатини илғор технологиялар ва замонавий илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни самарали ўзлаштириш, халқаро андозаларга мос янги корхоналарни ташкил этиш борасидаги катта хизматлари, кўпмиллатли меҳнат жамоасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Масалиев Нуриддин Колдашевич — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси “Кўчбулоқ” шахтаси “Семғурон” ерости участкаси бошлиғи

Туляганов Бахриддин Нишанбаевич — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи технологик жараёнларни бошқариш тизимларини автоматлаштириш хизмати бошлиғи

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаев Закиржан Абдуханович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Шахтақурилиш бошқармаси бошлиғи

Дергунов Александр Васильевич — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Электр тармоқлари бошқармаси эксплуатация участкаси катта устаси

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

НАВОИЙ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда Навоий вилоятида иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатлари ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, иқтисодиёт, туризм, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар бўйича юқори малакали кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу борада ҳудуднинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда олий таълим ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда Навоий вилояти аҳолиси, аввало, ёшларининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, улар учун янада кенг имконият ва шароитлар яратиш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий давлат педагогика институти негизида **Навоий давлат университетини** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

ҳудудда соҳа ва тармоқларнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда замонавий билим ва малакага эга бўлган илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

замонавий ўқув, илмий ва IT-лаборатория базасини яратиш, ушбу лабораторияларни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда илмий-инновацион тадқиқотлар трансферини амалга ошириш;

талабаларни илмий-инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг натижаларини жорий этиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

Давоми 2-бетда

Бугун Навоий шаҳрида бунёдкорлик жадал. Фаровон — янги ташкил топган маҳаллалардан бири. Бу ердаги 50 дан ортиқ кўп қаватли уйда 15 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳудудда кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, театр ва меҳмонхоналар, боғча ва мактаблар барпо этилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 1 ноябрь, 222-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ИҚТИСОДИЙ-ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАР ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА КАТТА ЎРИН ТУТАДИГАН ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари бу ердаги иш жараёни ва маҳсулотлар билан танишди.

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосига таъсири бўлган 3 мингдан зиёд саноат корхонаси мавжуд. Улардаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг кўпи эскирган. Илгари бу йўналиш фақат чет элга боғланиб қолгани учун фильтрларни янгилаш йиллаб чўзилган. Энди бу соҳада ҳам импортга рақобатдош ўз маҳсулотларимиз ва хизмат кўрсатиш пайдо бўлмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида юздан ортиқ корхонанинг чанг-газ тозалаш ускуналари янгиланди.

Бундай ишларда мазкур корхонанинг ҳам ўрни бор. Ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортмоқда. Маҳсулотлар маҳаллийлаштирилиши натижасида сифатни йўқотмаган ҳолда таннархни туширишга эришилмоқда.

Корхона маҳсулотлари Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжонга ҳам жўнатилмоқда. Жорий йил якуни бўйича экспорт ҳажми 1 миллион долларга етиши кутилмоқда. Келгусида бу географияни ва миқдорни ошириш мақсад қилинган.

Шу ерда Навоий вилоятининг саноат маҳсулотлари кўздан кечирилди. Жумладан, оғир ва енгил саноат учун деталлар, ускуналар, компрессорлар, электротехника жиҳозлари, мис ва пластик қувурлар, насос қисмлари намойиш этилди. Уларни бирлаштирувчи жиҳат — маҳаллийлаштирилгани.

Президент мамлакатимизда гидроэнергетикани янада ривожлантириш мақсад қилинганини таъкидлаб, кичик ва микроГЭСлар қуриш ҳамда уларнинг компонентларини ишлаб чиқаришда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш бўйича топшириқ берди. Навоий кон-металлургия комбинати каби йирик корхоналар учун маҳаллийлаштириш лойиҳаларини кучайтириш орқали вилоятда ишсизликни камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Навоий вилоятида режалаштирилган янги инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Кейинги етти йилда вилоятга 3 миллиард 500 миллион доллардан ортиқ инвестициялар жалб этилган. Уларнинг натижасида 64 минг 700 та иш ўрни ва йилига 1 миллиард 200 миллион долларлик экспорт имконияти яратилган. Бу йил 2 миллиард 100 миллион долларлик 577 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 26 миллиард 800 миллион долларлик юздан ортиқ стратегик ва йирик лойиҳа шакллантирилган.

Президентимизга уларнинг 12 таси тақдимот қилинди.

Лойиҳаларга АҚШ, Франция, Германия, Австрия, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Хитой, Япония, Корея, Туркия каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Бу ташаббуслар кимё, энергетика, тоғ-кон, электротехника, тиббиёт, қурилиш индустрияси, текстиль ва тўқимачилик каби тармоқларни қамраб олган.

Масалан, Хитой билан ҳамкорликда Кармана туманида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлайдиган лойиҳалар амалга оширилади. Кимё ҳамда қурилиш материалларига ихтисослашган саноат паркини ташкил этиш, шамол генераторлари учун парракларни ишлаб чиқариш корхонаси шулар сирасига киради.

Шу туманда Россия билан яна бир инвестицион ташаббус — озиқ-овқат саноати учун алюмин қадоқлар ясаш йўлга қўйилади. Туркия билан ҳамкорликда Конимех туманида йилига 370 минг тонна фосфорит қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда фосфор кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ташкил этилади. Австрия билан эса Навоий шаҳрида йилига 170 минг тонна цианит натрий тузлари ва каустик сода олиш лойиҳаси режалаштирилган.

Мазкур лойиҳалар натижасида 17 минг 800 нафардан ортиқ аҳоли иш билан таъминланади.

Президентимиз ташаббускорларга ташкилий-молиявий масалаларда кўмаклашиб, лойиҳаларни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари “Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиш майдонида бўлиб, нуронийлар ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

— Бугун бу ерга Навоий вилоятидаги 8 та туман, 3 та шаҳарнинг эртанги куни қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш учун келдик. Аслида, битта рўзғорни тебратишнинг ўзи бўлмайди. Худога шукр, аҳолимиз 38 миллионга яқинлашяпти. Бунинг учун халқимизга муносиб мустаҳкам замин яратиб боришимиз керак. Бундай янги шаҳарчаларни нима учун қуряпмиз? Ёшларимиз ўсиб келяпти. Улар ўзи туғилиб ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун ҳамма ҳудудларда шароит яратамиз, — деди Президент.

Лойиҳа учун 1 минг 100 гектар ер Кармана туманидан Навоий шаҳрига ўтказилган. Биринчи босқичда 450 гектар майдонда қурилиш режалаштирилган.

Шаҳарчада 7-22 қаватли уй-жойлар, 4 минг 170 ўринли умумтаълим мактаблари, 1 минг 620 ўринли боғчалар, поликлиника барпо этилади. “Янги Ўзбекистон” боғи, Навоий давлат педагогика институтининг янги кампуси ҳам шу ерда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятида саноат ривожлангани, лекин хизмат салоҳияти тўлиқ ишга солинмаганини айтди. Шу боис, шаҳарчада сайилгоҳ, кўнгилочар масканлар, савдо дўконлари, овқатланиш шохобчалари ташкил этиб, хизматлар ривожлантирилиши белгиланди.

Шаҳарча қурилиши дирекция томонидан мувофиқлаштириб борилади. Ер майдонлари электрон аукционга қўйилиб, ғолиб қурилиш ташкилотлари билан инвестиция шартномаси тузилади.

Бугун Навоий шаҳрида бунёдкорлик жадал. Фаровон — янги ташкил топган маҳаллалардан бири. Бу ердаги 50 дан ортиқ кўп қаватли уйда 15 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳудудда кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, театр ва меҳмонхоналар, боғча ва мактаблар барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги 22-умумтаълим мактабида бўлди.

Мамлакатимизда мактаб таълими умуммиллий ҳаракатга айланмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам таълим соҳаси энг биринчи вазифа сифатида белгиланган.

1 минг 800 нафарга яқин ўқувчи таълим-тарбия олаётган бу муассаса ўтган йили қурилиб, фойдаланишга топширилган. Барча синфхоналар, лаборатория, компьютер ва хорижий тил хоналари, спорт зали, футбол майдони, ошхонада замонавий шароитлар яратилган. Кутубхона 3 мингдан ортиқ китоблар билан таъминланиб, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона тизимига ҳам уланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан таълим сифатини Президент ва ихтисослаштирилган мактабларга яқинлаштириш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда муассасага 104 нафар ўқитувчи билими ва педагогик маҳорати бўйича саралаб ишга қабул қилинган. Дарслар ҳам илғор мактаблар дастури асосида олиб борилмоқда.

Ёшларга камида иккита чет тили ва битта замонавий ҳунар ўргатиш жараёни бу ерда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бунинг учун мактабда амалий санъат, меҳмонхона хизмати, рассомчилик, сураткашлик, IT йўналиши, робототехника каби касб-ҳунарлар бўйича ўндан ортиқ тўгараклар ташкил этилган.

Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда “Ватан таянчи” ҳарбий ватанпарварлик гуруҳи ташкил этилган. Унда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардалар жасорати ҳақида мулоқотлар бўлади. Ватанпарварлик тадбирлари, спорт мусобақалари тез-тез ўтказилади.

— Илмли бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш яхши. Қалбингизда ватанпарварлик кучли бўлса, шижоатингиз янада баланд бўлади, — деди Президент.

Мактабда “Иқтидор” клуби ҳам ташкил этилган. Унда ижодкор ўқувчилар мусиқа, театр ва санъат йўналишида турли машғулотларда иштирок этади.

Президентимиз мактаб фаолияти билан танишиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

— Менинг энг катта ташвишим, мақсадим — ёшлар тарбияси. Биз олган марралар учун билимли авлод керак. Бунинг учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Сизлар эса вақтнинг қадрига етиб, бор имкониятни ишга солиб, ўқишингиз керак. Олган билимингиз, ўрганган касб-ҳунарингиз келажакда сизларга қанот бўлади, — деди Президент болаларга.

Таълим даргоҳида “хавфсиз мактаб” тизими ишлайди. Бунинг учун муассасага кириш-чиқишда “Face ID” дастури қўйилган. Шунингдек, қуёш панеллари ўрнатилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги политехникумда ҳам бўлди.

Мамлакатимизда энг асосий масалалардан бири — бандлик. Аҳолига талаб юқори касбларни ўргатиш мақсадида техникумлар тармоғи ривожлантирилмоқда.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 25 та профессионал таълим муассасаси бор. Уларда 12 минг фуқаро ўқимоқда. Уларга малакали педагоглар, 234 нафар ишлаб чиқариш усталари бириктирилган.

2-сон политехникумда 41 та ўқув ва лаборатория хонаси, 350 ўринли фаоллар ва спорт заллари, 100 ўринли ётоқхона ва ошхона мавжуд. Мактаб битирувчилари ва турли ёшдаги фуқаролар учун кундузги, сиртқи, кечки ва дуал таълим йўлга қўйилган.

Касбларни амалиёт билан боғлашда вилоятдаги йирик саноат корхоналари катта ўрин тутмоқда.

Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати ўзи учун зарур пайвандловчи ва чилангар, “Навоийазот” акциядорлик жамияти кимёвий технология лаборанти, Навоий иссиқлик электр станцияси электр монтажчи касбларига ёшларни мақсадли тайёрлайди. Бунинг учун саноат корхоналари техникумда ўз бўлимларини очган. Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ҳам касб ўрганади ва бажарган ишига яраша маош олади.

Маҳаллалар билан биргаликда ишсиз фуқаролар, малакаси етарли бўлмаганлар, ишлаш истагидаги аёллар ҳам ўқишга жалб этилмоқда. Касбларни яхши эгаллаганлар шу корхоналарга ишга олинади.

Президентимиз бу ерда ўқиётган хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

— Сизларда ишонч ва интилиш пайдо бўлганидан хурсандман. Касбни маҳкам тутиб, ҳаётда ўз ўрнингизни топинг. Меҳнатингиздан бахт топишингиз учун сизларни қўллаб-қувватлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, “Mengi Textile Group” ва “Navbahor Qorajon” текстиль корхоналари билан дуал ва қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган. Хотин-қизлар етарли кўникмага эга бўлгач, тикувчилик цехларига ишга қабул қилинади.

Дурадгорлик устахонасида ўқувчилар ясаётган эшик, стол-стул каби жиҳозлар вилоятда анча харидоргир. Улар таълим олиш билан бир вақтнинг ўзида ишлаб, оилаларига кўмакчи бўлмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қўл меҳнати билан миллий ҳунармандчилик буюмларини ясашга ўргатиш ўқув курслари ҳам бор.

Шунингдек, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси томонидан соҳа ходимларининг малакасини ошириш ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилган.

Қайд этиш лозимки, Навоий вилоятидаги таълим муассасалари билан 51 та корхона ўртасида шартнома имзоланган. Йил бошидан буён мингдан зиёд ишсиз фуқаро ўқитилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
Абдували БЎРИЕВ,
ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Сеитов Осман Аблаевич — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Рух заводи электролит цехи бошлиғи

Соломко Наталья Григорьевна — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг техник бўлими полиметалл маъданларни бойитиш бўйича муҳандис-технологи

Урункулов Абдикул Абдисаматович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Технологик транспорт бошқармаси бульдозер машинисти

Хужамуратов Ботир Равшанович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Хонжиза” кон бошқармаси директори

“Шуҳрат” медали билан

Айнакулова Шоира Абдусматовна — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Иссиқлик электр маркази қозон-турбина цехи ёқилғи узатиш машинисти

Алдияров Хайрулла Маматалиевич — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Қалмоққир” кон бошқармаси марказий карьери экскаватор машинисти

Арсланов Абдунаби Курбанович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Технологик транспорт бошқармаси “БелАЗ” ҳайдовчиси

Аскаров Бахром Мусурманович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи олтин ва кумушни аффинажлаш цехи бошлиғи

Атабаев Нурали Холжуманович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Саноат темир йўл транспорти бошқармаси локомотив бригадаси йўриқчи-машинисти

Ахунов Наиль Рафисович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи

Бекбутаева Наргиза Нургалиевна — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг илм-фан ва инновациялар бўлими етакчи муҳандиси

Боймирзаев Муминжон Ёрмухаматович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Чодак” кон бошқармаси “Гузаксой” шахтаси тоғ ўтувчиси

Ишанходжаев Зокирхужа Каримджанович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Тоғ-кон транспорт комплекси ва инфратузилма объектларини қуриш бўйича дирекцияси директори

Қодиров Лазиз Эргашевич — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Металлургия мажмуаси объектларини қуриш дирекцияси бош муҳандиси ўринбосари

Қосимов Зохид Ғофурович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси чиқиндиларни тўплаш цехи бошлиғи

Полвонов Муроджон Абдумансурович — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Ковулди” кони ерости участкаси лаҳим ўтувчиси

Саматов Абдумажит Эргашевич — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Марказий таъмирлаш-механика заводи кимёвий ҳимоя участкаси бошлиғи

Тангирова Шарифа Гуламовна — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Техник назорат хизмати рангли металлургия маҳсулотлари назоратчиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 31 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

НАВОИЙ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартлари, илғор таълим технологиялари ва усулларини жорий этиш, шунингдек, **талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш**;

етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан академик ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг **хорижий илмий-амалий стажировкасини** тизимли йўлга қўйиш;

талаба-ёшларда **маънавий ва ахлоқий фазилатларни** ривожлантириш, **Ватанга муҳаббат**, унинг тақдирига **дахлдорлик**, **касбга садоқат** ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Навоий давлат педагогика институтида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишларини Университетда давом эттиради ҳамда **2024/2025 ўқув йилидан** бошлаб битирувчи курс талабаларига Университет дипломи берилади;

б) Университет Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунади ҳамда Навоий давлат педагогика институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

в) Университетда **2025/2026 ўқув йилидан** бошлаб:

ҳудудий ривожланиш дастурларига мувофиқ эҳтиёж юқори бўлган **аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, иқтисодиёт, бизнес ва туризм, инвестицияларни бошқариш**, **қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, логистика** каби йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

дарс машғулотларини амалиёт билан бирга ташкил этиш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича таълим жараёни **дуал таълим шаклида** йўлга қўйилиб, корхона ва ташкилотларда **кафедра филиаллари** ташкил этилади ҳамда таълим жараёнига узоқ йиллик меҳнат тажрибасига эга амалиётчи мутахассислар жалб этилади;

янги ташкил этилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича хорижий давлатлар ва республикадаги **етакчи олий таълим ташкилотлари** билан **иккита диплом** беришга асосланган **қўшма таълим дастурлари** йўлга қўйилади;

алоҳида гуруҳларда бакалавриат ва магистратура босқичларида таълим жараёни хорижий тилларда ташкил этилади ҳамда таълим дастурлари босқичма-босқич **халқаро аккредитациядан ўтказишга** тайёрланади.

4. Қуйидагилар:

2024-2027 йилларда Навоий давлат университетини **комплекс ривожлантириш дастури** 1-иловага мувофиқ;

2026-2030 йилларда Навоий давлат университетининг **ўқув ва илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб Университетга академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллик берилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарорларида белгиланган тартиблар Университетга татбиқ этилади.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси билан биргаликда икки ой муддатда Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Университетда **Трансформация марказини** ташкил этсин.

Трансформация маркази қуйидаги масалалар юзасидан масъул этиб белгилансин:

Университетнинг таълим дастурларини **халқаро таълим стандартларига мувофиқлаштириш**;

Университетни дунёнинг энг нуфузли **олий таълим ташкилотлари рейтингига** киритиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш;

Университет таълим дастурларини **халқаро аккредитациядан ўтказиш** ҳамда Университет дипломларининг хорижда тан олинишига эришиш;

таълим хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида Университет ўқув-услубий бўлинма ҳамда деканатлар штатларини мақбуллаштириш ҳисобидан **Регистратор офиси фаолиятини йўлга қўйиш**;

Университетнинг таълим, тадқиқот ва ахборот-кутубхона фаолиятларини ҳамда бошқарув жараёнларини **тўлиқ рақамлаштириш**.

7. Навоий вилояти ҳокимлиги:

Университет талабаларининг малакавий амалиётлари ҳудудда жойлашган йирик корхона ва ташкилотларда ташкил этилишини таъминласин;

Университет мутахассислик кафедраларининг мос йўналишлари бўйича маҳаллий ва хорижий корхоналар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашсин;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудда жойлашган олий таълим ташкилотлари талабалари ва ёш тадқиқотчилар учун стартап лойиҳаларни молиялаштиришни йўлга қўйсин. Бунда асосий йўналиш сифатида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш белгилансин.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) Университет илмий салоҳиятини ошириб бориш чорасини кўрсин ҳамда унинг халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда, хусусан, етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан қўшма таълим ва халқаро алмашинув дастурларини жорий этиш, хорижлик етакчи профессор-ўқитувчиларни Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этишга кўмаклашсин;

б) **2025 йил 1 февралга қадар:**

Университетда жорий этиладиган янги таълим йўналишларини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмаси, штат бирликлари, факультет ва кафедраларини қайта кўриб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

хорижий талабаларни жалб этиш мақсадида “Study in Uzbekistan” платформасида Университет бўлимини ташкил этсин ва уни сифатли маълумотлар билан тўлдирсин;

в) **2025 йил 1 июнга қадар** Университетда талабаларнинг битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини кўчирмачиликка қарши текшириш (антиплагиат) механизмини жорий этсин.

9. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А.Шарипов ҳамда Навоий вилояти ҳокими Н.Т.Турсунов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 31 октябрь

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 1 ноябрь, 222-сон

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълимга алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, ўқитувчи мақомини тиклашга жиддий киришилди. Мажбурий меҳнатдан ўқувчилар билан бирга ўқитувчилар ҳам озод қилинди. Ислоҳотлар дебочаси бўлган мазкур янгиликдан сўнг таълимда туб ўзгаришлар кузатилди. Келинг, аниқ рақамларга мурожаат қилсак.

Буюк ўзбек йўли

СИФАТ ВА МИҚДОР МУВОЗАНАТИ

ёхуд инсон капиталини қандай яратамиз?



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакат тараққиёти, ёруғ келажак ҳақида гап кетганда унинг ҳуқуқий, иқтисодий асослари ҳақида кўпроқ фикр билдирилади. Бу табиий. Чунки қонун устуворлиги иқтисодий барқарорликка хизмат қилади. Сўнг орзудаги келажак яратилади. Айни пайтда бу йўлдаги энг зарур ресурс инсон капитали эканини унутмаслик керак.

Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “**Биз энди 37 миллионлик катта халқмиз. Ўзбекистон ҳозирги кунда аҳоли сони бўйича жаҳондаги энг йирик 40 та давлатдан бири ҳисобланади. Бу рақамни ислоҳотларимиз, меҳнатимиз, билим ва қобилиятимиз билан катта салоҳиятга айлантиришимиз керак”,** дея таъкидлади. Жиддий мулоҳаза юритилса, бу фикр ҳозирги кунимизнинг долзарб масаласи эканига амин бўламиз.

Келинг, аввало, “инсон капитали” деган илмий жумлани содда шаклда тушуниб олсак. Мутахассислар унга қисқача ақл, соғлиқ, билим, сифатли ва самарали меҳнат деб таъриф беради. Яъни жисмонан соғлом, билим даражаси юқори киши вазифасини сифатли ва самарали бажаради. Бундай шахслар қанча кўп бўлса, ўша жамиятда инсон капитали яхши таъминланади. Негаки барча соҳа малакали кадрлар қўлида бўлади ва жадал ривожланади. Демак, ислоҳотлар ортга қайтмас тус олган мамлакатда, аввало, инсон капиталига эътибор берилиши табиий.

Миқдор доим ҳам сифатга мутаносиб бўлмайди. Халқчил ибора билан айтганда жамиятларда доим сонда бору салмоқда йўқлар топилади. Жамиятнинг асл қиёфаси, баҳоси ва келажаги мана шу миқдор ва сифат ўртасидаги фарққа қараб белгиланади. Худди Алпомиш ва рақиблари каби. Қалмоқ элининг тўқсон алпи бор, Алпомиш эса якка эди. Шунга қарамай, Алпомишнинг қўли баланд келди. Нега? Чунки тўқсон алпнинг фақат билагида кучи бор эди. Ҳатто уларнинг онаси Мастон кампир ҳийла билан Ҳакимбекни чоҳга ташлайди. Достонда Мастон — жоду қилувчига хос исм ҳам унинг ёвузлигига ишора қилади. Бу оиладаги ягона комил шахс Қоражон эди. Демак, қалмоқ эли бутунлай жаҳолатга ботмаган. Бу ҳам аслида жамиятларнинг турфа қиёфасига ишора.

Қоражон — яхшилик ва ёмонликни фарқлайдиган кенг тафаккур эгаси. Шу боис, унинг кетиши қалмоқ жамиятидан маънавий илдизнинг узилишини билдиради. Ҳа, Қоражон Ҳакимбекни кўриши ҳамон унинг ўзидан устун эканига тан берди. Айни дам келажакни аниқ ҳис этди ва унга дўст тутинди. Яъни у фақат билак кучига ишонадиган акаларидан юз ўгирди. Шу тариқа миқдор сифатга бўйин эгди. Алпомиш қалмоқ юртини забт этди.



Хўш, жамиятда Алпомиш ва Қоражон кабилар кўп ёки камлиги қандай билинади? Бу саволнинг жавобини топиш қийин. Аммо бизни қийнаётган муаммолар кўлами, мазмун-моҳиятига қараб сифат ва миқдор фарқини билиш мумкин. Жамиятни кўпроқ маиший, кундалик мавзулар ўйлантирса, ишсизлик, айни дамда малакали кадрларга эҳтиёж долзарб бўлса, демак, жамиятда сонда бору салмоқда йўқлар кўпроқ. Хўш, тараққиёт йўлига чиққан янги Ўзбекистонда мазкур кўрсаткич қай даражада? Албатта, жамиятимизга кескин баҳо бермоқчи эмасмиз. Негаки бундай баҳо чуқур илмий ўрганиш ва таҳлилни талаб қилади. Аммо ҳаётий ҳақиқатларни имкон қадар холис таҳлил этиш орқали бошқаларни уйғоқликка чақириш, улкан марра сари одимлашда бирдам бўлишга ундаш мумкин.

Юксак салоҳиятли кадрлар етук маънавияти, ўзлигини сақлай олиши билан ажралиб туради. Ўз-ўзидан улар қаерда бўлмасин, ватан манфаатини ўйлаб иш кўради. Халқининг мафкурасини бошқаларга ҳам сингдиради. Шу жиҳатдан кадрларни хорижга “экспорт” қилаётган мамлакат қудратга тўлиб боради. Келинг, буни соддароқ ифода этсак. Дейлик, бизнинг ахборот технологиялари бўйича мутахассисларимиз дунёдаги энг зўр кадрлар ҳисобланса, табиийки, дунё мамлакатлари мутахассисларимиз сабаб Ўзбекистон билан мазкур масалада ҳисоблашади. Энди бундай тараққий этган соҳалар қанча кўп бўлса, дунё халқлари биздан шунча кўп кўмак сўрайди. Масалан, ҳозир бирор корхона янги ускуна ўрнатса, бу фалон мамлакат технологияси асосида ишланган, дея эътироф этамиз. Яъни сифат кўрсаткичи шунга қараб белгиланади. Юксак малакали кадрлар “армияси” шаклланса, хорижликлар ўзбек технологиясини кўпроқ сотиб олишга қизиқади. Шу жойда сифат ўз кучини кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг “**Бу рақамни ислоҳотларимиз, меҳнатимиз, билим ва қобилиятимиз билан катта салоҳиятга айлантиришимиз керак”,** деган даъвати замирида ана шундай улкан мақсад бор. Шу ўринда савол туғилади: хўш бунга қандай эришилади?!

Бу бир қарашда жуда оддий, аммо жавоби ниҳоятда қийин савол. Келинг, бунга ҳам аждодлар закосига таяниб жавоб беришга уринсак. Қалмоқ алплари фақат куч ва ҳийла билан иш тутганини айтдик. Уларнинг устидан қўли баланд келган Алпомиш ниҳоятда зукко, маърифатли, ватанпарвар эди. Чунки у



гўдаклигидан етук устозлардан таълим-тарбия олади. Ундан сўнг камон отиш, от миниш ва кураш кабилар билан шуғулланади. Яъни таълим-тарбия биринчи ўринга қўйилади. Ҳа, **“Муаммоларимизнинг ечими, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикни очадиган калит ҳам фақат ва фақат таълим ва тарбиядир”.**

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълимга алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, ўқитувчи мақомини тиклашга жиддий киришилди. Мажбурий меҳнатдан ўқувчилар билан бирга ўқитувчилар ҳам озод қилинди. Ислоҳотлар дебочаси бўлган мазкур янгиликдан сўнг таълимда туб ўзгаришлар кузатилди. Келинг, аниқ рақамларга мурожаат қилсак.

Масалан, ўтган 7 йилда таълимни ривожлантиришга жами 216 триллион сўм йўналтирилган. Биргина моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун бюджетдан 19,5 триллион сўм сарфланган. Натижада 6 мингта давлат мактаби ва 3,5 мингта боғча реконструкция қилинди, янгидан қурилди. Булар орасида мактаб дейишга тил бормайдиган муассасалар ҳам, узоқ йиллардан бери ҳеч ким эшигини очиб кўрмаган боғчалар ҳам бор эди. Ўтган йилларда ана шундай таълим масканларининг аксарияти замонавий қиёфа касб этди. Шу билан бирга, жаҳон тажрибаси ўрганилди. Хусусий таълим имкониятидан кенг фойдаланиш борасида жиддий ўзгаришлар қилинди. Масалан, илгари хусусий мактаблар сони 27 та эди. Хусусий таълимга берилган имкониятлар сабаб бундай мактаблар сони 500 тага етди.

Мактабгача таълимда хусусий сектор улуши кескин ошди. Ўтган йилларда нодавлат боғчалар 250 тадан 30 мингтага кўпайди. Булар статистика учун киритилган рақамлар эмас! Бугун ҳатто олис қишлоқ ва овулларда ҳам хусусий, уй-боғчалар очилганини яхши биламиз. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Яъни имтиёзлар тақдим этилиши натижасида мазкур йўналиш тадбиркорлик учун яхши даромад манбасига айлантирилди. Шу орқали таълимнинг дастлабки ва муҳим палласи бўлган боғчага болаларни қамраб олиш кескин ошди. Бу инсон капиталини яратишдаги муҳим қадам эди.

Албатта, бундай ислоҳотлар яна изчил давом этиши, мактаблар, боғчалар қўламини кенгайтириш, таъмирталаб муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилашда давом этиш керак. Шу билан бирга, таълим фақат моддий-техник жиҳатга боғлиқ эмаслигини ҳам унутмаслик зарур. Яъни бу моддий ресурсларни интеллектуал-маънавий бойлик билан тўлдириш лозим. Шунда таълим сифатли ва самара бўлади. Бу билим ва тажрибаси, маҳорати, маданий даражаси, маънавий савияси юқори бўлган ўқитувчилар керак, дегани. Ҳозир фаолият юритаётган устозларга ҳурмат сақлаган ҳолда айтмоқчимизки, ўқитувчининг билими ва маънавий дунёсида, педагогик маҳоратида уйғунлик бўлмас экан, ҳеч бир замонавий бино, янги технология самара бермайди. Сўзимиз аввалида айтганимиздай, бунга, аввало, ўқитувчиларни мажбурий меҳнатдан озод қилиш орқали қадам ташланди. Уларнинг мавқеини ошириш борасида амалий ишлар қилинди ва ислоҳотлар давом этмоқда. Агар таълимни мамлакатнинг интеллект чегараси, ҳимоя қобиғи десак, унинг ташқи томони зирҳли тўсиқ билан маҳкамланмоқда. Демак, энди унинг мағзи бўлган маънавият, сифатли таълимнинг ажралмас қисми бўлмиш тарбия, одоб-ахлоқ каби жиҳатларни тўлдиришимиз керак.

Дарҳақиқат, бу борада ҳам ижобий ўзгаришлар қутилмоқда. Масалан, Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти янгидан ташкил этилди. Энди институт тарбия жабҳасидаги миллий анъаналарни ўрганиш, тиклашда янада самарали ишлар қилади. Айни пайтда давр билан ҳамнафас бўлиш учун замонавий маънавий-ахлоқий тарбия тизимини жорий қилиш йўналишидаги фаолиятини ҳам кучайтиради. Умуман олганда инсон капиталини ошириш учун таълимга жуда катта эътибор бериляпти. Мақсад эса ягона, таълим тизимимиз том маънодаги нажотимизга айлансин. Ватан шаънини кўтарадиган ёшлар сафи кенгайсин!

...Келажак ҳақидаги ёруғ ўйлар кишини қувонтиради, албатта. Аммо ҳозирги таҳликали, тез ўзгарувчан даврда инсон капиталини шакллантириш учун тезкор чоралар зарур. Шу ўринда кичик мулоҳаза. “Инсон капитали” деган тушунчани “Инсон қадри” дегим келади. Ҳаёт ҳақиқатига тик қарасак, тўрт мучаси соғ бўлгани ҳолда қўлида ҳунари йўқ, билим ва тафаккури ҳаминқадар киши гоҳо яқинларига ҳам ортиқча юкдир. Сўзимиз аввалида айтганимиз сонда бор, салмоқда йўқ деган ибора мана шундай аччиқ ҳақиқат ҳосиласи. Табиийки, оилада эътибор кўрмаган киши жамиятда ҳам ўз ўрнини топишга қийналади. Шу маънода, истаймизми-йўқми, инсон қадри меҳнати, маънавий оламига бевосита боғлиқ. Айрим истисноларни ҳисобга олмасак, қадр топмаган кишиларнинг аксарияти ёки лаёқатсиз, ёки шахсиятида кемтик бўлади. Аммо истеъдодли инсонларнинг шахсиятидаги камчиликларга кўпинча кўз юмилади. Чунки уларнинг шахсиятидан кўра, бажарадиган иши муҳимроқ. Демак, инсон қадрини иши, илмий салоҳияти кўпроқ белгилайди. Шу боис, Гюстав Флобер “Одамнинг ўзи ҳеч нарса эмас, ҳамма гап — ишда”, деган бўлса, не ажаб. Бугун мамлакатимизда камбағалликка қарши кураш ва меҳнат муҳожирларига муносабат тубдан ўзгарди. Айнан шу икки йўналиш туфайли инсон капиталини ошириш ва малакали кадрлар синфини яратишга бел боғланган. Хўш, булар нималарда кўринади?

Аввало, камбағалликни қисқартириш ҳақида тўхталсак. Тан олиш керак, яқин-яқингача “камбағаллик”, деган сўзни ишлатмасдик. Ҳаётда камбағаллар бўлгани ҳолда биз уларни бошқача ном, терминлар билан атадик. Табиийки, уларга муносабат ҳам шунга яраша эди. Ҳозир нега шундай бўлгани ҳақида баҳслашмоқчи эмасмиз. Муддао шуки, камбағаллик расман тан олинди. Унга ҳуқуқий баҳо берилди. Шунга яраша камбағалликка қарши кураш бошланди. Бу кураш эса аҳолига тадбиркорлик қилиши ёки касб-ҳунар ўрганиши учун имкон бермоқда. Бунинг учун имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратилмоқда. Айни вақтда эҳтиёжга қараб зарур техника ва ускуналар бепул тарқатилмоқда. Шу билан бирга, камбағал оилалар фарзандлари учун олий таълим олишда ҳам кенг имконият яратилган. Бундай ислоҳотлардан оилалар тўқ бўлсин, фарзанди ўқиб-ўрганиб, салоҳиятли кадрларга айлансин деган мақсад кўзланган.

Меҳнат муҳожирлари — бу жуда катта, алоҳида таҳлилга муносиб мавзу. Аммо гап инсон капитали ҳақида кетар экан, шу пайтгача кўринмас одам ёки фақат муаммо келтирувчилар ҳисобланган мазкур қатлам ҳақида ҳам тўхталмасак бўлмайди. Айтганимиздек, аввал уларга муаммо сифатида қаралар эдик. Кейинги йилларда меҳнат муҳожирларининг ҳақ-ҳуқуқлари хорижда ҳам ҳимоя қилина бошлади. Уларнинг иш жойи, маоши ва умуман ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш учун иш берувчилар билан келишувлар амалга оширилмоқда. Масалан, маълумотларга кўра, жорий йил аввалидан август ойигача 35 давлатнинг 166 та йирик иш берувчи ташкилоти ва рекрутинг агентликлари билан музокаралар олиб борилган. Натижада Ўзбекистондан ишчи кучини жалб қилиш бўйича 83 та иш берувчи ва рекрутинг агентлиги билан шартномалар имзоланган. Худди мана шу даврда 110 минг 82 фуқаронинг хорижда ишга жойлашишига кўмаклашилган. Улардан 8809 нафари чет элда ишсиз қолган фуқаролар бўлган. Улар ўзга давлатда туриб, мамлакатимиз кўмаги билан ишга жойлашган.

Эътиборлиси, шунчаки чипта олиб берилиб, бу юртдошларимиз хорижга жўнатилаётгани йўқ. Аксинча, ҳеч бўлмаса, бошланғич даражада тил ва ҳунар ўрганиши, касбий малакаси ва кўникмасини мустаҳкамлаши учун ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Қисқаси, иш берувчи талабларига муносиб ишчи тайёрлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунинг учун ҳам мамлакатимизда қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар асосида бугун оддий ишчидан керакли кадрга айлантириш тажрибаси қўлланмоқда. Бу тўғри ва тўлиқ фойдалана оладиганлар учун жуда катта имконият! Бугун мамлакатимизда инсон капиталини оширишга қаратилган ишлар шу каби кўринишларда давом этмоқда. Мазкур ислоҳотлар тез ва тўлалигича ўзини оқлаши учун жамиятда фаоллик кузатилиш керак.

Тўғри, жамиятимизда илмга интилиш кучли. Аниқроғи, болаларимиз олий маълумотли бўлиши, бирор давлат идорасида масъул лавозимда ишлашини истаймиз. Аммо энди давр ўзгарди, биз ҳам шунга муносиб бўлишимиз шарт. Шундай экан, энди фақат диплом олиш учун ўқиш шарт эмас. Гоҳида ҳунар ҳам ўрганиш, оддий уста бўлиб ҳам эл эъзозида яшаш мумкинлигини кўпроқ тарғиб этиш фурсати етди. Жамиятда диплом учунгина ўқишга иштиёқ бўлса, ишсизлик ортиб бораверади. Аччиқ ҳақиқат шуки, олий маълумот ҳақида ҳужжати бор, аммо ўша билимнинг ўзи йўқлар қанча! Масалан, ўқишни умуман истамайдиган жияним ўтган йили диплом олди. Атрофимизда бундай мисоллар кам эмас. Уларни кузата туриб, бизни бир савол қийнайди: нега биз болаларнинг қизиқишига қараб ҳунарга рағбатлантирмаймиз?! Уларни диплом эмас, билим, ҳунар қутқаришига ишонтирмаймиз?!

Болаларимизга билим олмасдан туриб жамиятда ўз ўрнини топиб бўлмаслигини уқтиришимиз керак. Эҳтимол, ҳозир қишлоқда тўртта мол боқиб кун кўриш мумкиндир, аммо келажакда бундай бўлмайди. Ҳатто ҳозирдан ҳам сермаҳсул мол боқиш учун илм ўрганиш зарурати туғилмоқда. Шу ҳақда ўйлаганимда яқин йилларда содир бўлган воқеани аламли кулги билан эслайман. Ҳуллас, ҳодиса бундай: вилоят марказида ўрнатилган банкомат ўғирланади. Орадан икки соат ўтмай, ўғрилар қўлга олинади. Маълум бўлишича, улар банкоматни пана жойда очган, аммо ундан пул чиқмаган. Пулсиз эса узоққа қочиб бўлмасди. Ўғрилар бу дахмазадан қутулиш учун банкоматни каналга улоқтиради. Кўп ўтмай, ўзлари қўлга олинади. Бу ўринда жиноят кўчасига бошлаган сабаблар ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Гап уларнинг оддий ўғриликни ҳам эплолмаганида. Пули бор банкоматни билиб ўғирлаш ва қочиш режасини пухта ишлаб чиқиш учун ҳам инсонга билим, кенг тафаккур керак! Бундай жиҳатларга эга инсонларда эса жиноят қилишга эҳтиёж қолмайди.

Юқорида Алпомишни мисол қилдик. Таъкидланганидек, унга аввал таълим-тарбия берилди. Сўнг билаги кучга тўлиши учун жисмоний машқларга жалб қилинди. Айни пайтда қалмоқ юрти ҳам худди шундай даражада эди. Ҳатто алплар миқдорига кўра, уларда устунлик бор эди. Аммо қалмоқ алплари фақат билак кучи билан улғайди. Бунга уларнинг онаси Мастон кампир характери орқали далил келтирилган. Бу эса охир-оқибат катта йўқотишга сабаб бўлди. Ваҳоланки, улар ўз юртидан олисда бўлган Барчинойнинг ишончига кириб, уни ўзининг қавмига мансуб қилиб олиши мумкин эди. Бунинг учун билак кучи эмас, тафаккур қудратидан фойдаланиши зарур бўлган. Аммо уларда бундай салоҳият йўқлиги қалмоқ юртини таназзулга етаклади.

Ҳақиқат шундаки, дунёнинг қиёфаси ўша замонлардан бери сира ўзгармаган. Аксинча, бугун бу тенденция янада кучайди. Глобал дунёда инсонлар билими, тафаккури ва мафкураси орқали Барчиной, Қоражон каби кучларни ўзига оғдириб олмоқда. Бундай вазиятда қўли баланд келишини истаган жамият билим олишга, инсон капиталини оширишга катта эътибор қаратади. Бу вазифа фақат масъуллар зиммасидаги юк эмас. Бугун фарзанд тарбиялаётган ҳар бир ота-она, иш ахтариб, рўзғорини обод қилмоқчи бўлган барчанинг бурчи. Фарзандларимизга тўғри таълим-тарбия бериш баробарида, ўз устимизда ҳам тинимсиз ишлаб, билим ва салоҳиятимизни ошириб боришимиз шарт. Шундагина инсон капиталида сифат ва миқдор мувозанатига эришамиз.

SAYLOV 2024 27-OKTABR MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

ЯНГИ САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

MSK O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

31 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 27 октябрь куни бўлиб ўтган сайловда янги сайланган депутатларни рўйхатга олиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда МСК Раиси З.Низомхўжаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда жами 15 миллион 27 минг 529 нафар сайловчи овоз берганини, бу сайловчилар умумий сонининг 74,72 фоизини ташкил этишини қайд этди. Шунингдек, фуқароларимизнинг сайловлар жараёнига қизиқиши сезиларли даражада ошгани, бу сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда яққол сезилганини таъкидлади.

Мажлисда Сайлов кодексига мувофиқ, парламент қуйи палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилар экан, бир мандатли сайлов округларидан сайланган 75 нафар ҳамда ягона сайлов округидан партия рўйхати асосида сайланган 75 нафар, жами 150 нафар депутатлар рўйхатга олинди.

Қайд этилганидек, ягона сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови натижалари бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси — 26 та, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси — 14 та, Ўзбекистон Экологик партияси — 10 та, Ўзбекистон Халқ демократик партияси — 13 та, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси — 12 та депутатлик ўрнига эга бўлди.

Бир мандатли сайлов округлари бўйича эса ЎзЛиДеПдан — 38 нафар, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан — 15 нафар, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан — 9 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 7 нафар, Ўзбекистон Экологик партиясидан — 6 нафар номзод депутат этиб сайланди.

Депутатликка номзодларга ва партияларга берилган овозлар бўйича Қонунчилик палатасига сайланган жами 150 нафар депутатлар таркибининг партиявий мансублиги қуйидагича:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — 64 та ўрин ёки 42,7 фоиз;

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан — 29 та ўрин ёки 19,3 фоиз;

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан — 21 та ўрин ёки 14 фоиз;

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 20 та ўрин ёки 13,3 фоиз;

Ўзбекистон Экологик партиясидан — 16 та ёки 10,7 фоиз ўрин эгаллади.

Қайд этилганидек, Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига кўра, парламент қуйи палатаси таркиби қарийб 60 фоизга янгиланди. Сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этиб, бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Депутатларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, уларнинг 15 фоизи хорижий давлатларда таҳсил олган, 35 фоизи илмий даражага эга.

Илк бор 3 нафар ногиронлиги бор шахслар депутат этиб сайланди.

Ҳудудий, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан ҳам маҳаллий Кенгашлар сайловларининг якунлари чиқарилди. Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар Кенгашларига сайлов натижаларига кўра, маҳаллий Кенгашлар таркиби 59,2 фоизга янгиланди. Янги сайланган депутатларнинг 32,6 фоизи хотин-қизларни ташкил қилди.

Депутатларнинг 4 фоизи — 30 ёшгача, 39,5 фоизи — 30 ёшдан 45 ёшгача, 40,8 фоизи — 45 ёшдан 60 ёшгача, 15,7 фоизи — 60 ёшдан катталарни ташкил этади.

Мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари сайланган номзодларнинг 11,2 фоизини ташкил қилади. Шу жумладан, улардан 175 нафари тожик, 111 нафари қозоқ, 33 нафари туркман, 29 нафари рус, 21 нафари қирғиз ва бошқа миллатга мансуб.

Депутатларнинг 93,3 фоизи олий маълумотли бўлиб, уларнинг 36,2 фоизи — педагоглар, 18,2 фоизи — иқтисодчилар, 13 фоизи — муҳандислар, 7,6 фоизи — шифокорлар, 5 фоизи — ҳуқуқшунослар, 20 фоизини — маданият соҳаси вакиллари, тадбиркор ва фермерлар ташкил этади. 138 нафар ногиронлиги бор шахслар маҳаллий Кенгашлар депутати этиб сайланди.

Шунингдек, мажлисда Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлашга оид масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
ЎзА мухбири

2024 йил 1 ноябрь, 222-сон

Энергетика — мамлакат тараққиётининг асосий соҳаларидан бири. Одамларнинг ҳаёт тарзи, жамият тараққиёти унинг ривожига чамбарчас боғлиқ. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинаётган электр энергияси эса унга эҳтиёж ортадиган айни паллада асқатаётир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Долзарб мавзу

“Яшил” энергия

ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам истеъмолда манфаатли

Айни пайтда юртимизнинг 7 вилоятида 9 та қуёш ҳамда битта шамол электр станцияси фаолият кўрсатаётган бўлса, жорий йил 20 октябрь ҳолатига кўра, улар томонидан 4 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган. Бунинг натижасида 1,2 миллиард куб метр табиий газ тежалиб, атмосферага 1 миллион 680 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинган. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур ҳажмдаги электр энергияси 2 миллион хонадоннинг 10 ойлик ёки 1 миллион 666 мингта хонадоннинг бир йиллик ижтимоий нормасини ташкил қилади.



Нима учун ушбу рақамларни эсга оляпмиз? Гап шундаки, ҳарорат озгина совиши, ёғингарчилик кунлари бошланиши билан электр энергияси таъминотида узилиш кўпаяди. Масъуллар тайёргарлик яхшилигини бот-бот такрорлашаётган, бунинг учун ажратиладиган маблағ миқдори ҳар йили ошиб бораётган бўлса-да, одамнинг хаёлидан барибир “ишқилиб бу йилги куз-қиш мавсумига яхши тайёргарлик кўрилган бўлсин-да”, деган фикр ўтаверади. Чунки юқорида қайд этганимиздек, электр энергия муаммосига айни шу мавсумда кўп дуч келамиз.

Энергиянинг муқобил манбаларини яратишга қаратилган кенг кўламли ишлардан кўзланган мақсад ҳам аслида аҳолини электр энергияси билан барқарор таъминлаш ҳамда турмуш шароитини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қаранг, Навоий вилоятида биринчи йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилганига уч йил, Самарқанддаги иккинчи станция иш бошлаганига икки йил бўлибди. Қувонарлиси, мамлакатимиз тараққиётида тарихий жараён ҳисобланган ушбу лойиҳалар амалда самарасини бермоқда. Уларда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси истеъмолга йўналтириляпти. Лойиҳалар юртга, халққа наф беряпти.

Яқинда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025-2027 йилларга мўлжалланган бюджет-номани эълон қилди. Унда келгуси йил ва келгуси ўрта муддатли даврда энергетика тармоғини тартибга солувчи қонунчилик нормаларини соҳада кечаётган янгиликларга мослаштириш, тармоқда хусусий операторларга йўл очиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаш, газ ва электр энергияси тарифларини эркинлаштириш ислоҳотларини тўлиқ якунлаш, пировардида, 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергиянинг жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш масалалари ҳақида сўз боради.

“Яшил” иқтисодиёт ва инновацион фаолиятни ривожлантириш орқали иссиқхона газлари эмиссиясини тартибга солиш, 2050 йилгача кам углеродли ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида энергия тежамкорликни таъминлаш масалалари қайд этилган. Бу мақсадларга эришишда эса амалга оширилган ва оширилажак лойиҳаларнинг аҳамияти катта, албатта.

Ер шари аҳолиси муттасил кўпайишда давом этяпти, табиий ресурслар захираси эса шиддат билан қисқармоқда. Бу эса дунё мамлакатларини танг аҳволга солиб қўяётир. Шу боис, дунё бўйича катта куч билан энергетиканинг “яшил” усулига ўтишга урғу бериляпти. Буни мутахассислар икки жиҳат — энергия ҳосил қиладиган манбалар тугаб бораётгани ҳамда атроф-муҳит ва глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатиш билан изоҳлашади.

Ўзбекистонда 2026 йилга бориб, умумий қуввати 5000 мегаватт, 2030 йилга бориб эса 18 минг мегаваттдан ортиқ бўлган қуёш ва шамол электр станцияларини ишга тушириши мўлжалланган бизда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур лойиҳалар ишга туширилгач, 2030 йилга бориб, йилига 50 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бу 2030 йилгача Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 40 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўғри келади, дегани. Бунинг натижасида йилига қарийб 15 миллиард куб метр табиий газ тежалишига эришилади. Бундан ташқари, атмосферага 21 миллион тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади.

Аслида, юртимизда мазкур йўналишдаги амалларни кейинги икки-уч йилдаги ишлар билан таҳлил этиш ҳам бир оз нотўғри бўлиши мумкин. Негаки бу ишларга сал олдинроқ киришилган эди. Яъни ушбу йўналишда қабул қилинган ҳужжатлар бунга мустаҳкам асос яратди. Масалан, сўнгги беш йилда иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича хорижий инвесторлар билан умумий қиймати 24 миллиард 180 миллион долларга тенг 47 та битим имзоланган. Бу Ўзбекистонда инвесторлар томонидан 47 та замонавий электр станцияси қурилади дегани ва бу тарихий иш ҳамдир. Чунки илгари ҳеч қачон бундай муддат ичида бу каби ҳужжатлар қабул қилинмаган.

Шунингдек, шу давр мобайнида электр энергетикаси, нефть ва газ йўналишларида Президентимизнинг 48 та, Вазирлар Маҳкамасининг 45 та қарори қабул қилингани диққатга сазовор. 2023 йили истеъмолчиларга 2016 йилдагига нисбатан 44,6 фоиз кўп электр энергияси етказиб берилганини инобатга олсак, уларнинг ижроси қанчалик муҳимлигини англаш қийин эмас.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида саноат ҳажмини икки карра ошириш, металлургия, нефть кимёси ва машинасозлик каби соҳаларни сифат жиҳатидан мутлақо янги даражага кўтариш мақсади қўйилган. Умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд йирик саноат ва инфратузилма лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Булар кичкина лойиҳалар ёки осон иш эмас. Уларни рўёбга чиқариш учун кафолатли ва барқарор энергия ресурслари зарур. Ҳисоб-китобларга кўра, келгуси олти йилда мамлакатимизда электр энергиясига талаб ҳозирги 83 миллиард киловатт-соатдан 120 миллиард киловатт-соатга ўсиши кутилмоқда. Бу, биринчи галда, қайта тикланувчи энергияга талаб янада ошишини англатади.

Умуман олганда, юртимизда аҳоли сони ва даромадлари кўпаймоқда. Бундай шароитда, турган гапки, энергетика ресурсларига талаб ҳам ортади. Шу жиҳатдан олганда, “яшил” иқтисодиётнинг муҳим бўғини ҳисобланган қайта тикланувчи энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш айни муддаодир. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг имконияти анча юқори. Маълумотларга кўра, республикамизда муқобил энергиянинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу ҳозирги эҳтиёжимиздан уч карра кўпдир. “Яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш иқтисодиёт учун ҳам, жамият учун ҳам мислсиз фойдадир.

2019 йилда 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси қабул қилинган. Бу, бир томондан, Ўзбекистон Париж битими доирасида шу вақт ичида иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоиз қисқартириш мажбуриятини бажаришга интилаётганини билдиради. Иккинчи томондан эса “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этиш ишларини жадаллаштиради.

Таҳлилларга кўра, юртимизда қуёш ва шамол энергияси салоҳияти электрга бўлган ҳозирги эҳтиёжни 10-12 баробар ортиғи билан қоплашга етади. Лекин шундай улкан имконият анча йиллар давомида ишга солинмаган эди. Мақоламиз аввалида келтирилган рақамлар сўнгги йилларда бу соҳага катта эътибор қаратилиб, инвесторлар учун жозибадор муҳит яратилгани, катта дастурлар мевасидир. Ўзбекистоннинг географик жойлашув жиҳатидан жуда кенг салоҳиятга эга экани ҳам айнан “яшил” лойиҳаларни татбиқ этишда қўл келмоқда. Бу ишлар натижасида хонадонларда электр энергияси таъминоти яхшиланиб, узилишларга секин-аста барҳам бериляпти. Ваҳоланки, бундан атиги ўн-ўн беш йил олдин аксариятимиз “қуёш панели”, “яшил” энергия каби сўзларни ишлатиш у ёқда турсин, эшитмасдик ҳам. Бугун секин-асталик билан бўлса-да, уйларимиз томида қуёш панеллари пайдо бўляпти, ундан ҳатто даромад топаётганлар ҳам бор. Атрофда ҳайбати хаёлни учирадиган улкан шамол парраклари айланиб турибди. Улардан чиқаётган электр хонадонларимизни ёритяпти. Халқимиз “яшил” энергетикани ривожлантириш нақадар фойдали эканини англаб етмоқда.

Энергетика — мамлакат тараққиётининг асосий соҳаларидан бири. Одамларнинг ҳаёт тарзи, жамият тараққиёти унинг ривожига чамбарчас боғлиқ. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинаётган электр энергияси эса унга эҳтиёж ортадиган айни паллада асқатаётир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президент ташрифидан сўнг

Реал вақт технологиялари

фақат муваффақият учун ишлайди

Хорижлик машҳур ёзувчилардан бири “Агар сиз ҳар доимги ишингизни қилсангиз, ҳар доимги натижани оласиз”, деган эди. Шу маънода, бугун янгича ишлаб, янги натижа олишга ҳаракат қилаётганлар кўпаймоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари ташриф буюрган Зангиота туманидаги “Technologies of real time” корхонаси шулар жумласидан. Ўтган йилларга нисбатан корхона бир неча баробар самарадорликка эришди. Ишлаб чиқарувчилар бу борада 2019 йили ўтказилган “Made in Uzbekistan” кўргазмаси ҳам муҳим аҳамият касб этганини эътироф этмоқда.




Зеро, кўргазмада маҳсулотлари билан қатнашган корхона ўша пайтдаёқ давлатимиз раҳбари эътиборига тушган, шундан сўнг тизимли равишда Хоразмдаги “Дамас” ишлаб чиқариш заводига эҳтиёт қисмлар етказиб беришга киришган эди. Ҳозир Хоразмга ҳар ойда “Дамас” ва “Лабо” автомобиллари учун 25-30 минг дона маҳсулот юборилади. 2020 йилдан буён ушбу русумли автомобиллар учун 61,94 миллиард сўмлик 765 минг дона пастки ричаг етказиб берилди.

Нафақат маҳаллий, балки дунёнинг таниқли брендлари ишончига кириш юқори сифатни таъминлаш, халқаро сифат менежменти сертификатларига эгалик, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Корхонада бўлиб, жараён билан танишганимизда нималар эвазига муваффақиятга эришилаётганини чуқурроқ тушуниб етдик.

Катта ният — катта натижага етаклайди

Дастлаб машина эҳтиёт қисмларини сотишдан иш бошлаган корхона таъсисчиси Мурод Акрамов Россия ва Европа давлатларидаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўриб, Ўзбекистонда ҳам мана шундай йирик корхона қуришни ният қилади. Ҳам давлатга фойда келтириш, ҳам аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида эзгу мақсад сари илк қадам ҳозирги корхона ўрнидаги 3 гектардан зиёдроқ ташландиқ жойни сотиб олишдан бошланди. 2016 йилда ишга тушган корхонани қуриш жараёни билан бир пайтда тадбиркор 20 нафар ёшни Хитойда ўқитиб келишга улгурди. Улар қайтиб келиб бошқаларга ҳам иш ўргатгач, замонавий ускуналар олиб келинди. Шу зайлда оёққа турган, лойиҳа қиймати 9,4 миллион доллар бўлган, энди йилига 100 миллиард сўмлик 1000 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш қувватига эга корхона дастлаб “General Motors”да ишлаб чиқариладиган автомобиллар юриш қисми учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарган. Ҳозир ҳам асосий йўналиши — енгил ва юк автомобиллари учун замонавий ва юқори сифатли автоускуна ва мосламалар, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш.

Йиғилган автомобиль қисмлари манзилли сақлашга мослаштирилган замонавий омборда кўп туриб қолмайди. Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон каби мамлакатларга экспорт қилинади.



Ҳамёнбоп нархга чет эл сифати

— Маҳсулотни йирик ҳажмда ишлаб чиқариш мумкин, бироқ уни сотиш асосий масала. Айниқса, экспорт. Ҳозир эса тадбиркор ўз олдидаги мажбуриятини бажарса, солиқни ўз вақтида тўлаб юрса, кифоя. Ҳеч ким, ҳеч қайси масалада унга тўсиқ бўлолмайди. Бироқ биз энди иш бошлаган кезлар экспорт қилиш жуда қийин бўлган, — дейди корхона директори Улуғбек Мирзаев. — Энг оғири конвертация муаммоси эди. Бу борада имтиёзга эга корхоналар билан келишиб бўлса-да, масала ҳал қилинарди. Авваліга фақат Россияга экспорт қилган бўлсак, кейин Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан буюртмалар кела бошлади. Шу тариқа ишимиз ҳам илдамлади.

Экспортни кенг йўлга қўйиш учун ҳар бир ишлаб чиқарувчи маҳсулотларини имкон қадар дунёга танитишга ҳаракат қилади. Бу ўринда халқаро кўргазмалар ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, корхонани халқаро кўргазмалар хорижга танитяпти, десак хато бўлмайди.

— Аввал кўргазмалар чоғи хорижлик қизиқувчиларнинг ўзбек бренди муаллифларига берадиган энг оғир саволи корхонанинг қайси автокомпания билан тизимли ишлаши ҳақида бўларди. Бу савол бизни қийин аҳволга соларди, — дейди тадбиркор. — Тўғри, биз кўплаб автокомпанияларга эҳтиёт қисм етказиб берардик, лекин шартнома асосида, тизимли ишлаш қийин кечган. 2019 йилги кўргазмадан кейин Асакадаги автомобиль заводи билан шартнома тузгач, қайси кўргазмада қатнашмайлик, бемалол “General Motors”нинг ҳамкоримиз деб айтамиз. Қолаверса, 2019 йилга келиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг эҳтиёт қисмини маҳаллийлаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар асосан, Жанубий Корея, Хитойдан олиб келинарди. Ҳозир ҳам олиб келинади, бироқ бизда нарх арзон, сифат ҳам яхши. Маҳаллий бозорлар арзон ва сифатли маҳсулотни хоҳлайди.

Ташриф барчамизни руҳлантирди

Давлатимиз раҳбари корхона фаолияти билан танишиш асносида бу ерда ишлаётган ёшлар билан ҳам суҳбатлашди.

— Президентимиз қаерда ўқиганимни сўради. Шунда Янгийўлдаги техникумда ўқиганимни айтдим. Кечқурун ота-онамга қўнғироқ қилсам, “Президент билан учрашган ўғлим!” деганларида янаям хурсанд бўлдим, — дейди корхона ишчиси Абдувоҳид Шомирзаев.

Бир жойда бир йил ҳам ишламай, тез-тез иш жойини ўзгартирадиган ёшларга ибрат сифатида Абдувоҳиднинг қуйидаги гаплари эътиборимизни тортди: “Корхонамизга меҳр қўйдим. Етти йилдан бери ишлайман. Қунт билан барча ишни ўргандим. Ҳозир бригадирман. Насиб қилса, шу ерда юқори лавозимларга кўтарилиб, ҳурмат топмоқчиман”.

Корхонада 220 га яқин ишчи-ходим меҳнат қиляпти. Нафақат Зангиота, балки Тошкент вилоятининг бошқа ҳудудларидан ҳам ёшлар ишга келаётир. Ходимлар, албатта, суҳбат асосида қабул қилинади. Зеро, чет элдан олиб келинган ускуналарни ишлатиш осонмас. Шу боис, бир ой синов даврида маош тўланади. Аввало, техника хавфсизлиги, кейин эса иш жараёни ўргатилади. Бунинг учун шу ернинг ўзида ўқув маркази ҳам бор. Қайси нуқтада оқсоқлик кузатилишига қараб четдан керакли мутахассислар чақирилади.

Мономарказда ўқиганларга сертификат берилади. Улар ўрганганларини амалиётда синагач, тўлақонли ишлашга ўтади. Хотин-қизлар асосан, қадоқлаш ишларига жалб қилинади.

— Президентимиз ташрифи барчамизни руҳлантирди, — дейди корхона лабораторияси ходими Камила Богданова. — Шахсан мен давлатимиз раҳбари эътиборидаги корхонада ишлаётганимдан фахрландим. Ўша кундан буён иш унумдорлигимни янада ошириш, маҳсулотларимизни халқаро талаблар даражасига кўтариш учун бор салоҳиятимни сарфлаяпман. Бунинг учун бизга барча шароит етарли. Иш унумдорлиги юқори, ижро интизоми рисоладагидек бўлган ходимларга устама берилади. Яхши ишлаш учун бундан ортиқ эътибор бўладими ахир?!

Халқаро янги бозорларга йўл очилади

Корхона жамоаси яқин келажакда янги бозорларга кириб бориш ниятида. Юриш қисмларини ишлаб чиқариш бўйича Хитой ва Жанубий Кореяни ўзига рақобатчи сифатида кўради. Маҳсулотлари МДҲ давлатларининг ярмидан кўпини эгаллаган корхона энди Чехия ва Польшага кириб боришни режалаштиряпти. Айни пайтда бу борада керакли ҳужжатлар расмийлаштириляпти.

Корхонанинг истиқболли режалар дастурига назар ташлар эканмиз, 2025 йилда автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида инвестиция қиймати 1,15 миллион долларлик иш бажарилади. Ишлаб чиқариш қуввати 180 мингдан 280 мингга кўпаяди ва 43 та янги иш ўрни яратилади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми қўшимча 40 миллиард сўмга етказилади. Автоматлаштириш даражаси 15-20 фоиз оширилади. 2025-2026 йилларда “Дамас” ва “Лабо”нинг яна 7 турдаги шасси қисмлари ишлаб чиқарилиши билан 20 дан зиёд иш ўрни пайдо бўлади.

Жаҳон брендидаги автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарган ҳолда миллий ва импорт автосаноат ишлаб чиқарувчилари билан муваффақиятли ҳамкорлик ўрнатиш корхонанинг асосий мақсади. Зеро, “Technologies of Real Time” жумласи ўзбек тилига “реал вақт технологиялари” деб таржима қилинади. Демак, замон билан ҳамнафаслик, энг замонавий технологиялар билан ишлаш компания номида ҳам акс этган.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шаҳрисабз давлат педагогика институтида ҳам халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Жаҳоннинг нуфузли таълим муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари асосида талабалар ва ўқитувчиларнинг академик алмашинув дастурлари кенгайди.

Ислоҳотлар самараси

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЭНГ АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗДИР



Шерзод НЕЪМАТОВ, физика-математика фанлари доктори, профессор

Бундан тўрт-беш йил илгари айрим мактабларда педагог кадрлар етишмасди. Айниқса, олис ҳудудларда беш-олти нафаргача ўқитувчига эҳтиёж бор эди. Натижада баъзи фанлар ўтилмасдан қолиб кетганидан сўнг муаллимлар шаҳар марказидан таклиф этиларди. Жумладан, Қашқадарё воҳасида ҳам бу борада анчагина муаммолар мавжуд эди.

Кейинги йилларда таълимдаги кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қатор ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Хусусан, янги олийгоҳлар очилиб, педагоглар сафини кенгайтириш сари муҳим қадам ташланди. Соҳага давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор туфайли кадрлар етишмовчилиги муаммоси ҳал этилди. Педагогика йўналишида мутахассислар тайёрлаш мақсадида янги университетлар ва филиаллар очилгани, олий таълим муассасаларидаги педагогика факультетлари фаолияти кенгайтирилгани фикримиз далилидир.

Бундан ташқари, ҳудудлардан талабаларни жалб қилиш мақсадида давлат грантлари сони оширилди, ўқувчилар учун қатор имтиёзлар яратилди. Мисол учун, Шаҳрисабзда янги институтнинг очилиши воҳа аҳолисига қатор қулайликлар яратди. Вилоят ёшларининг олий таълим олишига имкониятлар эшиги очилди.

Меҳнат бозори — замон талаби

Шаҳрисабз давлат педагогика институти қисқа вақтда Ўзбекистон таълим тизимида ўз ўрнини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Таълим соҳасида рақобат кучайиб бораётган бир даврда институт педагогик йўналиша чуқур ихтисослашди. Мазкур муассаса фаолиятини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети филиали сифатида бошлаб, педагогик кадрлар тайёрлашда муҳим натижаларга эришди. 2022 йилда эса ушбу даргоҳ мустақил институт мақомига эга бўлди. Бу эса ОТМнинг ривожланиши ва фаолиятини янада кенгайтиришга замин яратди.

Институт мустақил мақомга эга бўлиши билан академик базаси мустаҳкамланди, янги кафедралар ва илмий марказлар очилди. Шунингдек, янги профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш ва ўқув жараёнини замонавий ўқитиш методикалари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу, ўз навбатида, таълим сифатини янада ошириш ва талабаларни



меҳнат бозори талабларига мос тайёрлашга имкон берди.

Мустақил институт мақомига эга бўлганидан сўнг олий таълим муассасаси хорижий университетлар билан ҳамкорликни кучайтириб, илмий лойиҳалар ва академик алмашинув дастурларини амалга оширишга киришди. Талабалар ва ўқитувчилар учун халқаро конференциялар, семинарлар ва тренинглар ташкил этилмоқда. Бу эса уларнинг касбий маҳоратини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Ўқитиш сифатини яхшилаш мақсадида инфратузилмани ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Янги ўқув бинолари, замонавий лабораториялар ва ахборот технологиялари билан жиҳозланган аудиториялар барпо этилмоқда. Бундан ташқари, талабалар учун турли тадбирлар ва клублар ташкил этилмоқда.

Рақамлаштириш жараёни ўқув маскани да самарали давом этаётир. Ўқитувчилар қоғозбозлиги сезиларли даражада камайтирилган. Шунингдек, HEMIS электрон тизими жорий этилиши билан ўқитиш жараёни автоматлаштирилди. Талабалар бу тизим орқали керакли маълумотларни олиши, ота-оналар эса фарзандларининг фанларни ўзлаштиришини кузатиши мумкин.

Халқаро ҳамкорлик олийгоҳнинг глобал нуфузига ижобий таъсир кўрсатади

Дунё таълим маконида ўқитиш хизматларини таклиф этаётган муассасаларнинг аксарияти айнан хусусий олий таълим ташкилотларидан иборат. Нуфузини мустаҳкамлаш ва



етакчи бўлиш учун ҳар бир олийгоҳдан фаолиятини мунтазам такомиллаштириш, таълим сифати устида тинимсиз бош қотириш, самарали, замон талабларига мос, эҳтиёж юқори бошқа йўналиш, мутахассисликлар бўйича трансформациялашув имкониятига эга, олий малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш талаб этилади. Бу жараёнда ОТМлар ўз йўналишидан келиб чиқиб, хориждаги етакчи университетларнинг илғор тажрибасини муттасил таҳлил қилиб бориши керак. Шунингдек, маҳаллий шароитга мос келувчи янгиликларни ўзлаштириши, шунингдек, глобал таълим маконига мослашишга ҳаракат қилиши, самарали халқаро ҳамкорлик ўрнатиш бўйича истиқболли стратегияга эга бўлиши зарур.

Шаҳрисабз давлат педагогика институтида ҳам халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Жаҳоннинг нуфузли таълим муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари асосида талабалар ва ўқитувчиларнинг академик алмашинув дастурлари кенгайди.

Бугун Россия, Қозоғистон, Туркия, Польша ва бошқа давлатларнинг нуфузли олийгоҳлари билан ўрнатилган алоқалар талаба ва ўқитувчилар тажриба алмашинуви, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва илмий ҳамкорликка имкон яратмоқда. Бу нафақат институтнинг глобал рақобатбардошлигини оширмоқда, балки талабалар ва ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаларини бойитишга хизмат қилмоқда.



Хорижий экспертлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда илмий конференция ва семинарлар ташкил этилаётгани энг сўнгги илмий ютуқлар билан танишиш имконини беради. Халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида институтимиз хорижий таълим муассасалари билан қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган. Жумладан, магистратура ва докторантура йўналишлари бўйича қўшма диплом дастурлари яратилиб, талабаларга иккита диплом олиш имконияти тақдим этилмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим сифати ва халқаро рейтинглардаги мавқеини яхшилашга катта туртки бўлади.

Халқаро ҳамкорликдаги ушбу қадамлар институтнинг глобал миқёсдаги нуфузини оширишда, шунингдек, ёшларга сифатли ва замонавий таълим беришда муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак мутахассислар сони йилдан йилга ортмоқда

Талабаларга етарли шарт-шароит яратиш олий таълимнинг долзарб масалаларидан. Бу борада олийгоҳимизда ҳам қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Натижада уларнинг вақтинчалик турар жой билан таъминланиши муаммоси имкон қадар ҳал этилмоқда. Келгусида қўшимча 500 ўринли янги талабалар турар жойи қурилиши режалаштирилган.

Шаҳрисабз давлат педагогика институти ёшлар учун илм-фан ва таълимда янги уфқлар очадиган, мустаҳкам пойдеворга эга маскандир. Ёш илмий тадқиқотчилар ва педагог кадрлар учун яратилаётган шароитлар ва имкониятлар, шубҳасиз, Ўзбекистон таълим тизимига катта ҳисса қўшади.

Дастлабки йили институтимизга атиги 150 абитуриент ўқишга қабул қилинган, битта факультет, тўртта кафедра мавжуд эди. Бугунга келиб учта факультет, 16 та кафедра фаолият юритмоқда. Бакалавриат тизимида 17 та таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шунингдек, магистратура ва докторантура йўналишлари ҳам очилди. Бу эса институтимизнинг илмий салоҳиятини янада ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Магистратура дастурлари юқори малакали педагоглар ва илмий ходимларни тайёрлашга қаратилган бўлиб, ушбу дастурлар замонавий таълим талабларига жавоб берадиган илмий изланишлар, педагогик инновациялар ва методик ютуқларга асосланган.

Докторантура таълимида чуқур илмий тадқиқотлар ва изланишларни амалга ошириш мақсад қилинган. Докторантлар нафақат ўз соҳаларидаги илмий муаммоларни ўрганиш, балки янги инновацион ёндашувлар, методлар ва технологияларни жорий этиш орқали таълим ва илмий тадқиқот соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Шу йўсинда институтимизда халқаро миқёсдаги илмий ҳамжамият билан ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Дастурлар доирасида талабалар ўз мутахассисликлари бўйича илмий изланишлар олиб бориб, конференцияларда фаол иштирок этмоқда. Институтимизда магистрлик диссертацияларини ёқлаш жараёни халқаро стандартларга мос йўлга қўйилган. Талабаларнинг илмий ишлари юқори талабларга жавоб бериши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, докторантлар ва магистрантлар учун халқаро журналларда мақолалар чоп этиш, хорижий ҳамкор муассасаларда тажриба алмашиш каби имкониятлар ҳам яратилган. Бундан ташқари, уларнинг илмий тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ва халқаро грантлар дастурларига фаол жалб этилмоқда.

Институтда магистратура ва докторантура йўналишлари ташкил этилиши натижасида, малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш жараёни янада тизимлаштирилди. Бу таълим соҳасида янги юксак натижаларга эришишга замин яратмоқда.

Энг асосий мақсадимиз — замонавий педагоглар тайёрлаш. Албатта, бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Шундай экан, фақат ва фақат салоҳиятли кадрларни тарбиялашга эътибор қаратилган. Бугун бизда билим олиб, эртага қайсидир ўқув масканига борган талабамиз у ерда ўқитувчи бўлади. Ёшларга сабоқ беради. Бу масъулиятли касб ортидан қанчалаб инсонлар маънавияти ортади, билим савияси ошади. Шундай экан, доим уларнинг чуқур билимга эга бўлишига жиддий эътибор қаратишимиз даркор.

Саломатлик

ОРТИҚЧА ВАЗН МУАММОСИ

Соғлом озишда шифокор маслаҳати керак



Ортиқча вазн аллақачон глобал муаммо сифатида эътироф этила бошлаган. Бундан дунё бўйлаб тахминан 1,9 миллиард киши азият чекади. Ачинарлиси, бу рақам кун сайин ошиб бормоқда. Халқаро ҳисоб-китобларга кўра, яқин бир неча ўн йилликда ортиқча вазн муаммоси инсон саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин. 2030 йилга бориб, дунё аҳолисининг 45 фоизи семириб кетиши эҳтимоли бор.



Семизликдан энг кўп шикоят қилувчиларнинг асосий қисмини офисда ўтириб ишловчи ходимлар, транспорт ҳайдовчилари ҳамда ўқитувчилар ташкил этаркан. Сабаби, уларнинг жисмоний ҳаракати истеъмол қилаётган озиқ-овқат калориясига нисбатан кам бўлади.

Бироқ бошқа касб эгалари орасида ҳам семизликдан шикоят қилувчилар оз эмас. Сабаби бугунга келиб, барча соҳада замонавий технологиялар жорий этилган. Бу эса қўл меҳнати ҳажмининг кескин камайишига олиб келади. Айниқса, ривожланган мамлакатларда мазкур сабаб туфайли ортиқча вазн муаммосига дуч келаётганлар сони кун сайин ортмоқда.

Шунингдек, тез тайёр бўлувчи ҳамда ярим тайёр таомларнинг оммалашиши ҳам семизликка сабабдир. Айниқса, АҚШда кўп фасфуд истеъмол қилиш натижасида ҳар йили миллионлаб одамларнинг вазни меъёридан ортиб боряпти.

Ён-атрофимизга қарасак, бу муаммога дуч келган яқинларимиз ҳам талайгина. Аксарияти бундан қутулишнинг ягона йўли спортда деб билса, айримлар озиш учун овқатланишни назорат қилиш керак, деган фикрда. Талаб юқорилигидан соҳага мутлақо бегоналар ўзини диетолог, гастроэнтеролог деб атаб, турли курслару марафонларини пуллаш билан овора. Уларнинг театрлаштирилган видеоларини кўриб, курсларини дарров сотиб олаётган “бемор”лар ҳам оз эмас. Бироқ натижа-чи? Тўғри озиш учун, аслида, қандай ҳаракат қилиш керак? Бу ҳақда мутахассислар нима дейди? Шу саволларга жавоб олиш мақсадида **олий тоифали шифокор Дилшод Турсунов** билан суҳбатлашдик.

— Бугун ортиқча вазн муаммоси кўпчиликни қийнайди. Демак, муаммо кўп жойда асл мутахассисларга талаб ортади. Мана шу талаб туфайли мутахассислар қатори сохта диетологлар ҳам кўпаймоқда. Шу масалалар хусусида батафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тадқиқотига кўра, инсон саломатлигининг 20 фоизи наслга, 20 фоизи экология ва иқлимга, 10 фоизи тиббиёт тизимига, 50 фоизи турмуш тарзига боғлиқ. Яъни қандай овқатланишимиз, кун тартибини тузишимиз, жисмоний фаоллигимиз ва зарарли одатларга муносабатимиз бевосита саломатлигимизни белгилаб берувчи омиллардир.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 21 май куни Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва янги таклифлар тақдимоти билан танишар экан, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш орқали касалликларнинг олдини олиш, одамларда ўз саломатлигига масъулият ҳиссини кучайтириш ҳамиша муҳимлигини таъкидлади.

Бугун нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда саломатлик устувор масалалардан бири бўлиб турибди. Тана вазнининг меъёрдан ортиб кетиши инсон саломатлигига хавф солади. Шу боис, соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, семизлик глобал муаммо бўлиб, соғлиқ учун катта зарар. Демак, мана шу муаммо туфайли вазн йўқотишга талаб ҳам ортяпти. Бу эса ўз-ўзидан сохта мутахассисларни ҳам кўпайтиради. Улар ўзини профессионал диетолог ёки фитнесс мутахассис сифатида таништириб, одамлардан нотўғри маслаҳат бериш эвазига фойда олади. Хўш, мана шундай вазиятларда ҳақиқий мутахассисни қандай танлаб олиш керак?

Аввало, ҳақиқий мутахассисларнинг илмий даражаси ва махсус сертификати бўлиши лозим. Масалан, диетологлар нутрициология соҳасида тегишли диплом ва сертификатга эга бўлади. Уларнинг кўмаги билан беморлар озишга ёрдам берадиган тўғри ва хавфсиз йўлни топади. Тадқиқотларга кўра, сертификация қилинмаган мутахассислар берган нотўғри маслаҳатлар вазн йўқотиш жараёнини хавфли машғулотга айлантириши мумкин. Демак, мутахассисларни сохталаридан фарқлашнинг асосий усули уларнинг тиббий маълумоти билан танишишдир.

Мутахассислар маслаҳатини илмий тадқиқотлар билан асослайди. Масалан, озиш учун парҳез ёки жисмоний машғулотлар бўйича берилган маслаҳатлар илмий тавсияларга таянган бўлиши лозим. Илмий тадқиқотлар ҳамда беморлар устидан кузатувлар орқали улар соғлиқни сақлашнинг самарали йўлларини қўллайди.

— Айтинг-чи, соғлом озиш, аслида, қандай бўлиши керак? Бу тахминан қанча вақт талаб қилади?

— Тез натижа берадиган парҳезлар кўпинча барқарор эмас ва уларнинг самараси узоқ муддатли бўлмайди. Чунки соғлом озиш кўп вақт талаб қилади ҳамда жараён бардавом бўлиши лозим. Ҳар қандай тез озиш режаси кўп ҳолларда қайта вазн йиғишга олиб келади. Шундай экан, доимий тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик озишнинг энг самарали усули сифатида эътироф қилинади.

Диета бошламоқчи бўлганлар, аввало, мутахассис билан маслаҳатлашиши зарур. Хўш, юқорида сиз айтган каби кишилар учун қандай диета мос келади? Улар ичида энг мақбули ҳамда оммабопи интервалли очликдир. Бу — белгиланган вақт оралиғида овқатланиш усули. Энг кенг тарқалган тури — 16/8 бўлиб, 16 соат очлик ва 8 соат давомида овқатланишни назарда тутади.

Жумладан, тўғри ҳамда мувозанатланган овқатланиш соғлом озишнинг асосий қисмидир. Озишни мақсад қилганлар витамин ва минералларга бой маҳсулотлар истеъмол қилиши лозим. Бу организмни тозалаб, ичакларнинг равон ишлашига ёрдам беради. Шунингдек, озмоқчи бўлган инсон фасфудлар ва ёғли маҳсулотлардан воз кечиши зарур.

Тадқиқотларга кўра, мунтазам жисмоний машғулотлар ҳам озишни тезлаштиришда катта аҳамиятга эга. Қисқа масофага бўлса ҳам пиёда юриш ёки югуриш орқали организм ортиқча ёғларни эрита бошлайди. Масалан, сўнгги марта ўтказилган тадқиқотга кўра, 30 дақиқалик кундалик фаоллик инсоннинг метаболизм фаолиятини яхшилашга катта ёрдам беради.

— Касб тақозоси ёки бошқа сабаблар туфайли кўпчилик тўғри овқатланиш тартибига амал қилолмайди. Баъзан соатлаб овқатланмай юриш ҳамда бирдан кўп таом еб қўйиш ҳолати учрайди. Мутахассис сифатида қандай овқатланиш тартибини тавсия қиласиз?

— Ҳар хил диеталар турли натижалар бериши мумкин. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири муайян афзаллик ва камчиликларга эга. Диета бошламоқчи бўлганлар, аввало, мутахассис билан маслаҳатлашиши зарур. Хўш, юқорида сиз айтган каби кишилар учун қандай диета мос келади?

Улар ичида энг мақбули ҳамда оммабопи интервалли очликдир. Бу — белгиланган вақт оралиғида овқатланиш усули. Энг кенг тарқалган тури — 16/8 бўлиб, 16 соат очлик ва 8 соат давомида овқатланишни назарда тутади. Афзалликлари — метаболизмни яхшилаб, қондаги қанд миқдорини меъёрда сақлашга ёрдам беради. Шунингдек, ортиқча ёғларни эритишда катта аҳамият касб этади. Камчиликлари шуки, интервалли очлик тартибида юрган кишиларда бош оғриғи, камқувватлик кузатилиши мумкин.

Кейингиси — кето диетаси. У углеводларни камайтириб, асосий энергия манбаи сифатида ёғлардан фойдаланишни назарда тутади. Бу диета юқори озиш натижасига эришишга ёрдам беради. Лекин бунда шифокор кўрсатмаларига тўлиқ амал қилиниши шарт.

Шунингдек, юқори оқсилли диета ҳам анча самарали. Бу диета тури оқсил кўп бўлган таомларни истеъмол қилишни назарда тутади. Бунда ҳам кундалик меъёрга амал қилиш муҳим.

Охиргиси — паст углеводли диета. У асосан, углеводларни камайтириш, оқсил ҳамда ёғларга урғу беради. Бу диета тури ҳам қондаги қанд меъёрини мувозанатда сақлаш ва озишни тезлаштириш учун фойдалидир.

Озишни истовчилар буларнинг қайси бирини танлашидан қатъи назар, олдин шифокор билан маслаҳатлашиш зарурлигини унутмаслиги лозим. Сабаби, ҳар қандай парҳез ёки озиш режасини бошлашдан аввал шифокор ёки диетолог кўриги жуда муҳим. Нотўғри диета саломатлик учун аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги аллақачон исботини топган.

Масалан, сўнгги тадқиқотларда нотўғри қилинган кето диетаси буйрак касалликлари хавфини ошириши мумкинлиги аниқланди. Шунинг учун тез натижа ваъда қиладиган “диетолог”ларга ишонмасликни маслаҳат бераман. Зеро, озишнинг асосий мақсадларидан бири соғлиқни сақлаш бўлиши лозим.

— Озиш истагида бўлганлар учун интизом масаласига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Муваффақиятли озиш жараёни сабр, интизом ва мунтазамликка боғлиқ. Шунинг учун ҳаммага бирдек мос келадиган рецептнинг ўзи йўқ. Ҳар бир инсон ўз имконияти ва саломатлиги ҳолатидан келиб чиқиб, озиш услубини танлаши лозим. Шунингдек, вазн ташлагандан кейин ҳар доим шу ҳолатда юришга эътиборли бўлиш даркор. Бу инсон психологиясида ўзига ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди.

Яна қайтараман: қайси озиш усулини танлашингиздан қатъи назар, уларнинг ҳеч бири шифокор маслаҳатисиз бўлмаслиги лозим.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Жонибек АЛИЖОНОВ суҳбатлашди.



Мулоҳаза

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Давлатнинг барқарор ривожланиши ортида узоқ кўзланган ғоя ва мафкура ётади. Булар муайян миллатнинг эмас, балки давлатнинг асосий бўғини бўлган жамиятнинг келажакка даъвосидир. Ўтмишдан хулоса чиқариб, келажакка пойдевор ташлаётган миллат борки, энг аввал жамиятда бирдамлик ва барқарорликни, эркинлик ва ҳурфикрлиликни узвий боғлаган ғояга таянади.

ВАТАН – МИЛЛИЙ РУҲИМИЗ ВА ЎЗЛИГИМИЗ ҚЎРҒОНИ!



Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ташқи таъсирлар авж олиб, маданий ўзанлар қуриб бораётган, оммавий онгсизлантириш авж олаётган, шу сабаб миллатлар дахлсизлиги сўроқ остида қолаётган глобал даврда ҳар бир давлат, келажакка ўз сўзи ва даъвоси бор миллат учун ОЗОДЛИК энг катта ғоя бўлиб қолмоқда.

* * *

Давлатимиз раҳбари **“Тинчликни сақлаш фақат ҳарбийларимизнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу барчамизнинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи бўлиши шарт. Юртнинг кучи — бирликда, қадри эса тинчликдадир”,** дея бежиз айтмади.

Боиси, сўнгги йилларда дунёнинг муайян йиллар давомида ўзгармаган ҳудудларида қайтадан чегараланиш бошланди. Турли соҳаларда кузатилаётган инқирозлар, иқтисодий беқарорлик ортидан давлатлар ўзга юрт тупроғига кўз тикаётир. Айниқса, бу йўлда мамлакатнинг ички интизоми, бирлигини ахборот хуружи орқали нифоқ қўзғаш ва мафкуравий таъсирлар кўламига солишга уринишлар ортса ортяптики, асло камайгани йўқ. Энг ёмони, уларнинг таъсири қитъалар миқёсида сезила бошламоқда. Бундай мураккаб жараёнда миллатнинг бирлигини ушлаш катта масъулият туғдирса, унинг тинчлигини сақлаш икки баробар қийинроқ вазифадир.

“Ватанни севиш иймондандир”, дейди улуғлар. Иймон эса тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашдир. Яъни ватанпарварлик фақат сўзда эмас, балки вужуди ва руҳи ила ватанни севишдир. Ёзувчи Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” асари қаҳрамони таниқли профессорнинг ўғли отасига мактубида қуйидагиларни ёзади: *“...Менга юрт шу имонимни ҳимоя қилишим, уни ёт таъсирлардан сақлай олишим, шоядки Тангрим фарзанд ато этса, уни айнан шу руҳда, айнан шу ҳақиқатлар билан тарбиялашим учун керак. Шу жойда Имон билан Ватан деган нарсаларнинг бирлашганини кўраман. Зотан, руҳ танасиз бу дунёда мавжуд бўла олмаганидай, имон ҳам Ватансиз мавжуд бўла олмаслигини кўраман.*

Ватаним дея жон таслим қилганлар, “Эй Ватан” дея денгиздай тўлқинланган халқлар, душман тажовузи остида “Ватан” дея қирилиб кетган минглаб инсонлар тақдирида шуларни кўраман: улар бир парча тупроқ учун эмас, бу тупроқларда унган дов-дарахтлару багридаги маъданлар учун эмас — айнан шу — имонининг ва миллат руҳининг қўрғони бўлгани учун ҳам жон таслим қилганлар, деб ўйлайман...”.

Ватан миллий руҳнинг қўрғонига қиёслар экан, миллат руҳининг дахлсизлигига шу қўрғонгина восита бўлади.

Миллий руҳ… Бир қараганда енгил ҳазм қилинган бу жумланинг таг замирида асрлар давомида шаклланган қадриятларнинг ўзани ва ундан тўйинган инсонларнинг қараши ва ҳақиқатлари жамланган. Унинг қудрати шуки, ҳеч бир ақлий комиллик, моддий манфаатларнинг баҳоси унга тенг келмайди.

Албатта, тинчликнинг баҳоси ҳеч нарса билан ўлчанмайди. Тўмарису Широқнинг жасорати одамларни ватан ҳимоясига, Темур даври адолатнинг бош бўғин бўлишига, жадидларнинг хурофотга қарши ғазаби, озодликка ташналиги бугунги тинчликнинг қадрига етишга чорлайди.

* * *

…Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о, деҳқон юртим,
Турар эдинг ялангтўш, яёв.



— Ташқарида изиллар ёмғир,
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: — Пахтам қолди-ку ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъридан келтирилган ушбу парча ҳеч кимга бегона дард эмас. Кеч кузнинг совуғини, аёз заҳрини еган бу бобо ўзбек халқининг истиқлолдан олдинги “рамзи”.

Биргина ўша даврларда “Ўзбек иши” — “Пахта иши”га боғлиқ 24 мингта жиноят иши қўзғатилган. Тасаввур қиляпсизми эрта тонгдан кеч шомгача сув ёқалаб юрган инсонлар меҳнатига мукофотни қандай олганини. Айниқса, пахта даласини чопиқ қилиш вақтида устидан махсус самолётларда дори сепиб, минглаб юртдошларимиз тузалмас дардларни орттирмадими?! Афсуски, уларнинг аксари ҳали ҳаёт ҳақида тасаввури шаклланмаган гўдак эди.

Ёхуд эрк йўлида курашган ва ўз даврида “босмачилар” тамғаси босилиб, оғир жазоларга гирифтор бўлган инсонларни кўз олдингизга келтиринг. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ватанпарвар ота-боболаримиз юрт мустақиллиги учун кўтарган қўзғолонларини қонли ва шавқатсизларча бостириб, оқ подшоҳга бундай баённома юборган:

“Муҳтарам ҳазрати олийларига шуни маълум қиламанки, бу туркий қавмлар қўзғолонларини шундай бостирдимки, уларни қатл қилишимда уларнинг хотинлари, аёллари, болалари ва невара-эвараларигача ўз кўзлари билан гувоҳ бўлишди. Бу ўлим қўрқувлари уларнинг генларигача ўтиб кетди... Бас, ишончингиз комил бўлсинки, энди бу турклар 200-250 йилгача сизга бош кўтара олмайдилар...”.

Асрий фарёдлар бадали фаровон ва озод юртга тамал тошини қўйди. Бугун мажбурий меҳнат деган тушунча ҳар бир инсон учун бегона. Энди ҳар ким ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила олиш даражасида ҳуқуқий онгга эга. Озодлик йўлида жон олиб, жон берган аждодлар хотираси қайта тикланиб, абадийлаштирилди.

* * *

Ҳеч қачон ватанга нисбатан “яхши” ёки “ёмон” жой деган сўзни ишлатиб бўлмайди. Аксинча, инсон улғайган сайин ўзи туғилиб ўсган жойга талпинаверади. Боиси, хотирасининг туб-тубидан ўрин олган, яқинлари билан боғлиқ жойлар тупроғини тавоф қилиб, кўзига суртади. Ватан ҳар қандай шароитларидан қатъи назар, табиати, табиий бойликлари билан эмас, балки борича севиш орқали қадрланади. Яъни одам боласи юртни танламайди.

Яқинда бир кўрсатувни кўрдим. Унда сув муаммоси кўтарилган экан. Кўрсатув орасида Орол денгизининг фожиавий аҳволига ҳам тўхталиб ўтилган. Лойиҳа муаллифлари тошқин Оролни кўрган, унда ёшлиги ўтган ёши улуғ кишини денгизининг қуриган туби орқали унинг гектарлаб ҳудудларга чекиниб кетган жойига олиб боради. Мени ҳайратга солгани, отахон денгизни кўриб:

Ассалому алайкум, денгиз!
Бор экансан-ку…
Табаррук бу денгиз.
Тошиб ётган денгиз эди…
Аҳволини қаранг ҳозир.
Вой, денгиз-эй,

дейди. У денгизни анча вақтдан буён кўрмаган. Кўз олдида уни йўқотган. Бу дунёда ягона мақсади эса денгизни яна бир марта кўриш бўлган. Гап орасида унга эш бўлган хотиралар билан бўлишиб, денгиз суви билан пешонасини ювади. Бу ҳолат улкан бир соғинч билан бирга ватаннинг бир парчаси бўлган денгизнинг бир инсон тақдирига нақадар дахлдорлиги учун қадрли.

Ҳар бир инсон бу дунёда нимага яшаётгани ҳақида ўзига савол бериши, ўзидан нима талаб қилиниши-ю, қандай нарсалар унинг шаънига доғ бўлиб тушишини чуқур ўйлаб кўриши керак, наздимда. Шунингдек, шахснинг камолини белгилайдиган юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси бўлиши, унинг тақдирига бефарқ бўлмаслиги ҳамда фаровон турмуш йўлида ўз ҳиссасини қўшиш каби инсоний вазифаларни ўзида мужассам этиши керак.

* * *

Бугун дунё том маънода янги ахборот маконига айланди. Интернет орқали кириб келаётган турли фитнакор хабарлар ёшлар онгини тобора забт этаётгани кўпчиликда хавотир уйғотади. Ушбу воситалар орқали таклиф этилаётган нарсалар ёшлар онгида беҳаёлик ва зўравонликни шакллантириб, миллий қадриятларга ва манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни пайдо қилмоқда. Улар юрт тақдирига бефарқ бўлиб шаклланиб қолаётгани ҳам бор гап.

Бундай мураккаб вазиятда ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириб, озодликнинг қадрини, ватанни севишни уларнинг қон-қонига сингдириш керак. Бу ишда ҳар бир киши ўзига юклатилган вазифани ўз ўрнида тўғри ва виждонан қилиши даркор. Зеро, Фитрат айтганидек: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми, тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”.

Глобал муаммолар ва мафкуравий зиддиятлар авж олган айни замонда она ватанимиз тинчлиги учун маънавий ва жисмоний жиҳатдан ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бирламчи вазифамиздир. Бу нафақат ўзгаларни тинчлик шукрини мукаммал адо этишга чақириш, балки тинчлик сабаб ато этилган беҳисоб имкониятлардан самарали фойдалана олишда ҳам намоён бўлади. Дунёнинг қай бурчагида тинчлик нури сўнган диёрлар зимистон аро қолганига гувоҳ бўламиз. У ерларда баҳорда қалдирғочлар уя қурмайди, болалар кўкларда варрак учирмайди…

Шундай экан, ҳар биримиз она заминимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга, унинг давомийлиги учун ҳар лаҳза сергак ва огоҳ бўлишга бирдек масъулмиз.

Қарор ва ижро

ЯХШИЛИККА УНДАБ, ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЁТГАН МАСКАНЛАР

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Маънавият ва маърифат масканлари фаолиятини йўлга қўйиш вазифалари белгилаб берилган эди.

Қарорда бу бинолар келажакда ақл марказларига айланиши кераклиги, уларда ёшлар ўз устида ишлаши учун барча шароитлар яратилиши айтилган. Марказлар замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, электрон ва босма кутубхона, тўгараклар ва бошқа бир қанча қулайликлар яратилиши кўзда тутилган.

Хўш, ўтган вақт оралиғида юртимиз ҳудудларида бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Қарор ижроси қай даражада таъминланди? Ушбу саволларимизга Бухоро вилояти мисолида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

— Маънавият ва маърифат янги Ўзбекистон ҳаётининг муҳим ва ажралмас йўналишидир. У Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, — дейди Республика Маънавият ва маърифат





маркази вилоят бўлими раҳбари Марҳабо Пардаева. — Бухорода 13 та Маънавият ва маърифат маскани янги биноларда фаолият юритмоқда.

Вилоятда бу борадаги ишлар босқичма-босқич тўлиқ бажарилмоқда. Қарор эълон қилинганидан кўп ўтмай Жондор, Когон, Қоровулбозор ҳамда Олот туманларида Маънавият ва маърифат масканлари барпо этилди. Жорий йилда эса Қоракўл, Вобкент, Бухоро, Ромитан, Пешку, Шофиркон, Ғиждувон туманлари ва Когон шаҳри тафаккурни теранлаштирадиган, иқтидорни шакллантирадиган, одамга завқ-шавқ ва маданий дам берадиган ана шундай кўркам ва шинам масканларга эга бўлди.

Вобкент ва Ғиждувон туманларида очилган Маънавият ва маърифат масканларида бугун ҳаёт қайнамоқда. Ёшлар ижод ва ихтиролар яратиш билан банд. Вобкент туманида икки йил ичида қурилиб, замонавий кўринишда жиҳозланган янги бино нафақат ёшларнинг, балки туман аҳлининг севимли гўшасига айланди. Одамлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилишга шайланган ушбу маскан турли йўналишларда чоп этилган 1200 дан зиёд китоб билан бойитилган.

Бинода босма ва электрон кутубхона, турли спорт анжомлари, кино намойишига мўлжалланган зал, анжуманлар хонаси мавжуд. Булар вобкентликлар учун ажойиб янгилик бўлди. Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари томонидан 100 та энг сара бадиий китоб совға қилиниши кутубхона фондини бойитиш билан бирга китобхонларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда.

Бухоро туманида Маънавият ва маърифат маскани фойдаланишга топширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қурилиш ва жиҳозланишига маҳаллий бюджет ҳисобидан 110 миллион сўм сарфланган бино том маънода маънавият ўчоғига айланди. Бу ерда янги адабиётларни ўзида жамлаган кутубхона, замонавий компьютер тўпламлари ва спорт анжомлари билан жиҳозланган хоналар бор. Улар туман аҳлининг маънавий, маданий ҳордиқ чиқариши, жаҳон маданияти намуналаридан баҳраманд бўлишига кўмаклашмоқда. Бу маскан турли тадбирлардан ташқари шахмат, шашка, стол тенниси мусобақалари, “Заковат” интеллектуал ўйинини юқори савияда ўтказиш имконини ҳам беради.

Маълумотларга кўра, Шофиркон, Пешку, Ромитан, Ғиждувон туманларидаги



Маънавият ва маърифат масканлари бўш турган биноларда бир ярим йил давомида жами бир миллиард сўмга яқин маблағ эвазига қайта таъмирланиб, ишга туширилган.

Бундай маънавият ва маърифат масканлари бугун халқимизни яхшиликка, эзгуликка чорлашда давом этмоқда. Ёшлар қалбини, фикру ўйини энг гўзал туйғулар билан бойитиб, қадамларини олий мақсадлар рўёби сари йўллаётир.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3818.
41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 01:20 Топширилди — 01:35

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05